Бутун дунё пролетарлари, бирлашингиз!

ТОШКЕНТ ОҚШОМИ

№ 177 (4872).
7 АВГУСТ 1982 й.
ШАНБА
Газета 1966 йил 1 июлдан чиқа бошлади
Баҳоси 3 тийин.

ЎЗБЕКИСТОН КП ТОШКЕНТ ШАҲАР КОМИТЕТИ ВА ТОШКЕНТ ШАҲАР СОВЕТИНИНГ ОРГАНИ

ЭРТАГА—ҚУРУВЧИЛАР КУНИ

ЯНГИ ЗАФАРЛАР САРИ

Т. НАБИЕВ,
«Главташкентстрой» бошлиғи.

КПСС XXVI съезди ва Ўзбекистон Компартиясининг XX съезди ҳамда КПСС Марказий Комитетининг май (1982 йил) Пленуми қарорларини изчиллик билан амалга ошириб келаётган тошкентлик қурувчилар беш йилликнинг ўтган бир ярим йили мобайнида сезиларли ютуқларни қўлга киритдилар. Бугун биз йилнинг ярим йиллиги якунларига назар ташлар эканмиз, қурувчиларимиз ўзларининг анъанавий байрамларини яхши натижалар билан кутиб олаётганликларининг гувоҳи бўламиз.

Ўртоқ Л. И. Брежнев Ўзбекистон ССРга навбатдаги Ленин орденини топшириш тантаналарида тошкентлик қурувчиларнинг меҳнатига юксак баҳо берди. У Тошкентни «Шарқ юлдузи» деб атади. Ўзининг 2000 йиллик юбилейини кутиб олишга қизғин ҳозирлик кўраётган жонажон Тошкентимизни янада обод, янада муҳташам, янада гўзал шаҳарга айлантириш учун биз қурувчилар жуда катта ҳажмдаги ишларни амалга оширмоқдамиз.

Бош бошқарма қурувчилари СССР 60 йиллиги шарафига социалистик мусобақани авж олдириб, ишда қувончли ютуқларга эришмоқдалар. Турар жойни фойдаланишга топшириш ярим йиллик плани 100,1 процент бажарилди. Умумий майдони 388 минг квадрат метр, шу жумладан 88,5 минг квадрат метр кооператив уйлар фойдаланишга топширилди. Ўтган ярим йилликда 40 мингдан ортиқ ҳамшаҳримиз ўзларининг турар жой шароитларини яхшилаб олди.

Маълумки, юксак натижаларга эришиш, турар жой қурилиши суръатини тезлаштириш, унинг сифатини яхшилаш учун қурилишда ўзининг афзаллигини кўрсатаётган бригада пудрати методини кенг жорий этиш лозимдир. Бош бошқарма мавжуд трест ва қурилиш бошқармаларида ана шу усулни жорий этишга алоҳида эътибор бериб келмоқда. Ҳозирги кунда хўжалик ҳисобида ишлаётган бригадалар 60 процентдан зиёд қурилиш-монтаж ишларини бажармоқдалар. Ҳозирда бу усул бўйича турли мутахассислардан иборат 140 та бригадани ўзига бирлаштирган 20 дан ортиқ паток ишлаб турибди. Бундай илғор усулларнинг самараси катта бўлмоқда.

Бугунги байрам кунида шуни қувонч билан айта оламизки, мана кўпдан буён москвалик қурувчилар ҳам ўзларининг интернационал бурчларини ўташиб, жонажон шаҳримизни янада гўзаллаштиришда қизғин иштирок этмоқдалар. Москвалик қурувчилар 11-«Висотстрой» тресги коллективи билан биргаликда Пушкин кўчаси бўйлаб Ҳамид Олимжон майдони комплексини яратмоқдалар. Куни кеча москвалик қурувчилар 320 ўринли ажойиб болалар боғчасини фойдаланишга топширдилар. Яна бир болалар боғчаси қад кўтармоқда. Ҳадемай бу ерда осмонўпар турар жой комплекси ҳам фойдаланишга топширилади.

Ўз навбатида ўзбекистонлик қурувчилар ҳам ўзларининг қардошлик бурчларини ўтаган холда Ноқоратупроқ зонани ўзлаштиришда фаол иштирок этяптилар. Шунингдек, қурувчиларимиз Жиззах областидаги Учқулочда турар жой, мактаб ва маданий-маиший объектлар қуришда иштирок этадилар. 1-уйсозлик комбинати эса Олмалиқ кон-металлургия комбинати объектлари қурилишида яқиндан ёрдам кўрсатади.

Кўпгина трестларимиз мунтазам юқори кўрсаткичларга эришиб келяптилар. Бугунги тантанали кунларда Бош бошқарма коллективи эришаётган ютуқларга муносиб ҳисса қўшиб келаётган 1-уйсозлик комбинати, 11-, 159-, «Ташинжстрой», «Таштрансспецстрой» трестлари, транспорт ишлаб чиқариш бошқармасининг номини ҳурмат билан тилга оламиз. 1-уйсозлик комбинати қурувчилари ўтган йили эришган юқори кўрсаткичлари учун КПСС Марказий Комитети, СССР Министрлар Совети, ВЦСПС ва ВЛКСМ Марказий Комитетининг кўчма Қизил байроғини олишга сазовор бўлди.

Шу кунларда қурувчилар ўртасида меҳнат беллашуви тобора авж олмоқда. Улар «Бир беш йилликда —икки беш йиллик!», «Беш кунлик — тўрт кунда!», «Беш йиллик план — Тошкентнинг 2000 йиллигига!» кабн шиорлар остида астойдил беллашишяпти. Бош бошқармамизнинг бир қатор қурувчилари ташаббус билан чиқдилар. Жумладан, 1-уйсозлик комбинати бригада бошлиғи, Социалистик Меҳнат Қаҳрамони, СССР Давлат мукофоти лауреати Исмоил Холматович Орипов «Беш кунлик — тўрт кунда!» шиори остида мусобақа ташкил этиш ташаббуси билан, 12-трестнинг 49-қурилиш бошқармаси бригада бошлиғи, Социалистик Меҳнат Қаҳрамони, СССР Давлат мукофотининг лауреати Тўлқин Орипович Самиғов эса «Бир беш йилликда —икки беш йиллик!» ташаббуси билан чиқди.

Маълумки, белгиланган вазифаларни ҳал этишда кадрлар муҳим роль ўйнайди. Биз малакали қурувчи кадрлар тайёрлашга алоҳида эътибор бермоқдамиз. Ўтган ярим йилликда Бош бошқарманинг ўқув комбинатларида ва мактабларида 6400 киши ўз маҳоратини оширди. Меҳнатни илғор усулларини ўқитиш бўйича ташкил этилган мактабларни 1180 киши тугаллади.

Тошкентлик қурувчилар олдида муҳим ва масъулиятли вазифалар турибди. Улар ўз зиммаларига олган социалистик мажбуриятларини муваффақиятли уддалаб, СССРнинг 60 йиллик тўйини, Тошкентнинг 2000 йиллик юбилейини муносиб меҳнат армуғонлари билан кутиб оладилар.



«МОСКВА» МЕҲМОНЛАРНИ КУТМОҚДА

1976 йилда Тошкентда бунёд этиладиган «Москва» туристлар меҳмонасига пойдевор қўйилган эди. 1978 йилда 11-«Висотстрой» трести 75-қурилиш бошқармасининг бунёдкорлари ноёб объектда монтаж ишларини бошлашди. Деярли тўрт йилдан кейин баландлиги 82 метр бўлган 23 қаватли бино кўкка бўй чўзди. Шу йилнинг май ойида туристлар учун бунёд этилган янги бинода монтаж ишлари ниҳоясига етказилган эди.

Орадан икки ой ўтиши билан «Москва» меҳмонхонаси дастлабки меҳмонлар— Австриядан келган туристлар группасини қабул қилди.

Тошкентдаги «Москва» меҳмонхонасида бир вақтнинг ўзида 1100 саёҳатчи яшаши мумкин. Бу ерда дам олиш учун керак бўлган барча шароит муҳайё этилган. Хоналар кенг ва ёруғ, 1000 ўринли ресторан, кафе ва барлар бор.

Янги меҳмонхона Япония, Норвегиядан келтирилган, шунингдек, махсус буюртма бўйича Тошкентдаги корхоналарда тайёрланган мебеллар билан жиҳозланган. Меҳмонхонани безашда республикамиздаги энг моҳир рассомлар ва халқ усталари иштирок этишди.

* * *

СУРАТЛАРДА: «Москва» меҳмонхонаси кўринишлари.
А. Гусейнов фотолари.

Озиқ-овқат программаси белгилаган йўлдан

ИШЧИ-МУХБИРЛАР ПОСТИ „Чилонзор" „Октябрь" СОВХОЗЛАРИДА

ИЛЬИЧ НУРИ БИЛАН НУРАФШОН ЭТИЛАДИ

ЭНЕРГЕТИКЛАР БУЛАЖАК «ЧИЛОНЗОР» ВА «ОКТЯБРЬ» СОВХОЗЛАРИ ТЕРРИТОРИЯСИДА ЭЛЕКТР УЗАТИШ ЛИНИЯЛАРИНИ ҚУРИШГА ТАЙЕРДИРЛАР

Ўзбекистон ССР Энергетика ва электрлаштириш министрлиги олдига ғоят қисқа муддатда қурилиш-монтаж ишларини амалга ошириш учун «Чилонзор» ва «Октябрь» совхозлари қуриладиган жойларга электр токи етказиб бериш, кейинроқ эса бу хўжаликларни доимий схема бўйича электр билан таъминланишини йўлга қўйиш вазифаси юклатилди.

Тез кунларда бу халқ қурилишига чўлқуварлар етиб келишади ва электр қуввати билан ишлайдиган ўнлаб механизмлар ҳаракатга келади. ЭНЕРГЕТИКЛАР ҚИСҚА МУДДАТЛАРДА ҚУРУВЧИЛАР ЯШАЙДИГАН ВАГОНЧАЛАРНИ, ПРОРАБЛАР ХОНАЛАРИНИ, ҚУРИЛИШ ТЕХНИКАСИНИ ТОК БИЛАН ТАЪМИНЛАШ УЧУН ТАЙЕРМИЛАР? Мухбиримиз В. Лапина мана шу савол билан Ўзбекистон ССР Энергетика ва электрлаштириш министрининг ўринбосари Саидвоҳид Асқархўжаевич АСҚАРХЎЖАЕВга мурожаат қилди.

— Энергетикларнинг шундай одати бор. —деди С. А. Асқархўжаев. —Бизда айтилган гапни, топшириқни бажариш ҳам фарз, ҳам қарздир.

Жиззах ва Сирдарё областларида барча совхозлар электрлаштирилган, янги хўжаликларни мавжуд электр тармоқларига улаймиз. Шундай бўлса ҳам вақтинчалик энергия билан таъминлаш учун 250 киловаттли трансформатор подстанцияси ва 10 киловольтли, 6 километр узунликдаги электр узатиш линиясини қуриш керак. Бош лойиҳаловчи — «Средазгипроводх л о пок» институтидан электр токи узатилиши лозим бўлган объектларнинг жойлашув схемасини олишимиз билан ишга киришамиз. Қурилишга тажрибали механизациялашган колоннани юборамиз, унга пудрат ташкилотлари қурувчилари ва область, район электр тармоқлари корхоналари ходимлари ёрдам беришади. Икки ҳафтада улар вазифани бажаришади.

— Шундай қилиб, биринчи навбатдаги минимум вазифа бажарилади. Кейин совхозларни доимий схемадаги электр таъминотига қандай ўтказасиз?

— Бу жараён мураккаб ва анча вақтни талаб этади. Биз бу ишга қурилаётган объектлар дирекцияси бошқа инженерлик коммуникациялари г а мувофиқ равишда ишнинг электр қисми аниқланган, ишланган лойиҳаларни бергандагина киришамиз.

Фақат шу нарсани айта олиш мумкин-ки, «Чилонзор» ва «Октябрь» совхозларида бунёд этиладиган комплексларни, шунингдек турар жой посёлкаларининг эҳтиёжини қондириш учун бир нечта трансформатор ва узловое подстанциялар, иккита манбадан ток оладиган янги юқори вольтли электр узатиш линиялари қуришимиз керак.

Тошкент шаҳридаги 8 район меҳнат коллективларининг «Чилонзор» ва «Октябрь» совхозларини ҳашар йўли билан қуриш бўйича ташаббуси Тошкент шаҳар партия комитети ва шаҳар Совети ижроия комитети томонидан маъқулланди. Совхозларнинг ҳашар йўли билан, кўпгина корхоналар, ташкилотлар ва муассасалар коллективлари иштирокида қурилиши ғоят муҳим, ўз вақтида белгиланган, сиёсий жиҳатдан тўғри тадбирдир. Бу иш КПСС Марказий Комитети май Пленумида қабул қилинган СССРнинг Озиқ-овқат программасининг руҳи ва мазмунига тўғри келади. Қўриқ ерларда ҳеч бир корхона якка-ёлғиз ҳеч қандай иш қилолмайди. Кучларнинг марказлаштирили ш и эса бўш ерларни яшнаган масканга айлантириш, шаҳар учун чорвачилик бўйича йирик ёрдамчи база барпо этиш имконини беради.

—Сизнинг министрлигингиз янги совхозларни электр билан таъминлайди, кейин вазифаси тамом бўладими?

— Бу борада коллективимизнинг ўз режалари бор. Биз кооператив асосдаги чўчқачилик комплекслари қурилишида ўз улушимиз билан иштирок этиш ниятидамиз.

Мукофот топширилди

Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитети нашриётининг коллективи 1982 йил 2 квартада мамлакат партия органлари нашриётларининг социалистик мусобақасида эришган муваффақиятлари учун КПСС Марказий Комитети ишлар бошқармаси билан маданият ходимлари касаба союзи Марказий Комитетининг кўчма Қизил байроғига сазовор бўлди. Нашриёт коллективининг 6 август куни бўлиб ўтган умумий йиғилишида юксак мукофот тантанали вазиятда топширилди.

Йиғилиш қатнашчилари полиграфиячилар ва нашриёт ходимлари СССР ташкил этилганлигининг 60 йиллигига тайёргарликни муносиб ишлар билан нишонлаймиз деб ишонтирдилар.

(ЎзТАГ).

ТОНГГИ ГАЗЕТАЛАРДА

◆ КПСС Марказий Комитети Сиёсий бюросининг аъзоси, СССР Министрлар Советининг Раиси Н. А. Тихонов блокларга қўшилмаган давлатлар ташқи ишлар министрликларининг Фаластин масаласи билан шуғулланувчи комитети делегациясини 5 август куни Кремлда қабул қилди.

Блокларга қўшилмаган давлатларнинг вакиллари Совет Иттифоқи ўзларининг қонуний ҳуқуқларини қаттиқ туриб ҳимоя қилаётган араб халқларининг ҳаққоний ишини доим қўллаб-қувватлаб келаётганлигига, унинг Яқин Шарқда адолатли ва мустаҳкам тинчлик ўрнатиш учун олиб бораётган актив курашига юксак баҳо бердилар.

Долзарб мавзу

ТЎЙЛАР МУБОРАК!

Комил ака тўй қилди. Якка-ю ёлғиз ўғли Тоҳиржоннинг овози дўриллаган пайтдан бери шу кунни орзу қиларди. Тўй қилса, яқин-йироқ қариндошларини, дўст-биродарларини тўпласа, эл олдига дастурхон ёзса...

Комил ака орзу қилганича бор эди. Гарчанд ўзи урушда қатнашмаган бўлса ҳам (ўша пайтда ўсмир эди) уруш машаққатини ҳис этган. Бир бурда нонга зор бўлган пайтлари, далага чиқиб машоқ терганлари эсида бор. Урушдан кейинги йиллар ҳам енгил бўлмади. Ўзи уйланганида хотини битта кўрпа, битта хирароқ тошойна олиб келганди. Бора-бора турмуш ҳам яхшиланди, дастурхон ҳам бут бўлди. Шунга қарамай эр-хотиннинг кўнглида бир армон қолган эди. Ўзлари кўрмаганни Тоҳиржон кўрса, ўғиллари куёвлик бахтини, келинлари ёшлик завқини тотса, ҳеч нимадан камчилик кўришмаса....

Яхши ният ҳам, ёмон ният ҳам йўлдош бўлади, деганлари рост экан. Ўзларига муносиб қуда топишди. Бўлғуси келиннинг ҳам Тоҳиржонга кўнгли бор экан... Хуллас, бу жиҳатдан келишмовчилик бўлмади. Фақат Комил ака ўзининг ҳам, хотинининг ҳам орзулари катта эканлигини қуда томонга маълум қилди. Келиннинг онаси яна бир шарт қўйди: «ЗАГСдан ўтишнинг ўзини кичикроқ тўйдек қиласизлар, ўша куни йигирмата машина келсин, ўн тўққизта бўлса ҳам розимасмиз». деди. Бу масала ҳам яхшиликча ҳал бўлди.

Эшик олдида карнай-сурнай чалинганида, Тоҳиржон оққушдек тўрпарда ёпган келинни етаклаб эшикдан кириб келганида ота-она қувончдан кўз ёши ҳам қилиб олишди. Маҳалла кексалари ичкиликни унчалик кўпайтириш ярамайди, дейишганди. Комил ака аввалига иккиланиб турди-ю кейин таҳмонхонадаги ҳамма яшикларни олиб чиқишни буюрди. Нима, унинг ўғли боласи бормиди! Кўргани қоладими!

Яна ўйин-кулги бўлди, яна қадаҳлар айтилди. Тўя чироқлар нуридан чароғон бўлиб кетган ҳовлида қаҳқаҳалар янгради, машшоқлар куй чалди, раққосалар ўйинга тушди...

Комил ака дилсиёҳлик нимадан бошланганлигини пайқамай қолди. Маст ўспиринлардан бири ўйнаб турган раққосага пул қистираётиб юзини силабдими, беҳаёроқ гап айтибдими, хуллас, артист йигитлардан бири бояги одамнинг ёқасидан олиб қолди. Кайфи ошган маҳалла болалари қўшиқчилар билан ёқалашиб кетди. Хуллас, тўйхонада қий-чув, тўполон бошланди. Катта-кичик ўртага тушиб жанжалкашларни ажратган бўлди. Аммо тўйдан файз кетган эди. Тоҳиржон имм-жимида келинни етаклаб уйга обкириб кета қолди.

Комил ака бу гапларни унутиб юборган бўлардию, эртасига яна хунук хабар эшитди. Жияни тўйдан қайтаётганида машинасини симёғочга урибди. Ёнида ўтирган хотинининг қўли синибди. Мастлик билан машина ҳайдагани учун эрини жавобгар қилишмасин деб нарвондан йиқилдим, деб қўя қолибди. Бу гапни кечаси билан ухламай чарчаган, тўйдан қолган овқатларни, бурда нонларни қаёққа қўйишни билмай боши қотиб ўтирган хотини айтди. Шунда Комил ака баданида жуда оғир чарчоқ сезди. Гўё у тўй қилиб қувонган одамга эмас, ўз ихтиёри билан ўзининг кўнглини чил-чил қилган кишига ўхшарди. Шунча йиллик орзулари бунақа эмасди-ку. Нимага шундай бўлди!..

Халқимиз қадимдан тўйни яхши кўради. Кексалар бировни дуо қилса «Топган-тутганинг тўйларингга буюрсин» деб алқийди. Келиннинг қўлидан етаклаб дастурхон тўрига бориб ўтиришни орзу қилмайдиган йигит, остонасида сурнай чалинишини орзу қилмайдиган қиз йўқ. Қолаверса, тўй — тўкинчилик рамзи. Тўйларимизнинг яна бир муҳим фазилати бор. Яхши ният билан безатилган дастурхон атрофига яқин-йироқ қариндошлар, дўст-биродарлар тўпланади. Ҳар бири ўз иши билан юрган кишилар дийдор кўришади. Янги оилага бахт-саодат тилашади. Бу умидимиз асрлар мобайнида давом этиб келган ва бундан кейин ҳам давом этади. Лекин тўй ҳақида кейинги пайтларда кўп гаплар бўлаётганлиги, бу гаплар одамларни ташвишга солаётгани ҳам сир эмас.

Хўш, бунинг сабаби нима! Энг муҳим сабаби шундаки, кейинги пайтларда тўйлар серҳашам, дабдабага тўлиқ, серхаражат бўлиб кетяпти. ЗАГСдан ўтишнинг ўзига ўнлаб машина овора қилиш, ўша куни куёвнинг бирон қариндошиникида кичикроқ тўйдек зиёфат уюштириш, ҳар икки қуданикида дабдабали тўйлар, тонготаргача базм қилиш, ичкиликни «тўкиб» ташлаш, тонг отгунча микрофонни бақиртириб «томда товуқ ётади» қабилидаги маза-бемаза ашулаларни варанглатиш, қанчадан-қанча озиқ-овқатни, ҳамиша табаррук ҳисобланган нонни исроф қилиш, ёш болаларнинг олдида ароқ ичиб «маймун ўйин» кўрсатиш... Буларнинг ҳаммаси одамларни бехтиёр ташвишга соляпти. Бу масаланинг моддий томони ҳам, маънавий томони ҳам кўпчиликка ёқмаяпти. Ҳар ким фарзанди бахтли бўлишини хоҳлайди. Лекин келин томондан камида 2 минг сўмлик гарнитур талаб қилиш, куёв томондан «сут ҳақи-ю», қўша-қўша сарполар сўраш, ортиқча исрофгарчилик — булар масаланинг моддий жиҳати бўлса, бундан ҳам жиддийроқ маънавий масалалар бор. Биз ўзимиз билмаган ҳолда фарзандларимизни текинхўрга айлантириб қўямиз. Ҳали жамиятга беш тийинлик фойдаси тегиб-тегмаган келин ёки куёвни ҳар томондан таъминлашга ҳаракат қиламиз. Бу интилиш эса энг юмшоқ мешчанликдан — болаларимиз биз кўрган қийинчиликларни кўрмасин, ҳамма нарсаси бадастур бўлсин деган гапдан бошланади. Бу эса навбатдаги мешчанликка — на моддий бойликни, на маънавий бойликни, на оилани-ю, на муҳаббатни ҳурмат қилмаслик оқибатига олиб боради. Қарабсизки, бугун тўйида тантанали сўзлар айтилган келин билан куёв эртага «итмушук» бўлиб ўтирибди.

Тўйлардаги ортиқча шовқин-суронларнинг ҳам жуда жиддий маънавий зарари бор. Айтайлик, сиз уйингизда эрталабгача микрофонни бақиртириб қўйдингиз. Уч ҳовли наридаги қўшнингизнинг уйидан эса бир ҳафта илгари ўлик чиққан. Сизнинг тўйингиздаги қийқириқларни эшитганда ўша қўшнингизнинг кўнглидан нималар кечади! Ёки ундан икки ҳовли нарида юраги ҳаста бўлиб ётган бошқа бир қўшнингизнинг аҳволи нима кечади! Тўйингизда мириқиб ичиб олган одамлар бир-бири билан ёқа бўғишса, кўчага чиқиб бирон фалокатга йўлиқса, сизга ёқадими! Ахир сиз тўйни яхши ниятда қилгансиз-ку. Наҳотки тўйингиз азага айланишини хоҳлаган бўлсангиз!

Буларнинг ҳаммаси жуда жиддий масала. Шу боисдан шаҳримиздаги деярли ҳамма маҳаллаларда тўй комиссиялари тузилган. Собир Раҳимов районидаги Фрунзе номли, «Ленинчи», «Қумлоқ», «Қўштут», «8-Март», «Қурилиш», Пушкин номли Баҳодир, «Ғайрат», Эркин маҳаллаларининг отахонлари редакцияга хат ёзиб, ўн маҳалла биргаликда тўй тадбирларини ишлаб чиқишганини хабар қилишибди. Маҳалла оқсоқоллари аниқ-равшан қилиб мана бу таклифларни ўртага ташлашибди.

ЗАГСга ўнлаб машиналарда боришни бас қилиш. (Битта-иккита машинада келин билан куёв, куёв жўра билан янга борса етади).

Никоҳ куни қариялар билан куёвлар келинникига битта машинада боришса кифоя. (Шунда автобусга осилиб борадиган чурвақаларга ўрин қолмайди).

Тўйга тугун-терсак кўтариб келишни тўхтатиш. (Қариндош-уруғ ёш оилага шунчалик ёрдам бергиси келса, рўзғор учун яроқли бўлган бирор совға келтириши мумкин.).

Никоҳ кечаси дастурхонда ичкиликларни кескин камайтириш.

Никоҳ базмида мактаб ёшидаги болаларнинг дастурхон атрофида ўтиришига йўл қўймаслик.

Базм кечасини бамаъни, кўпни кўрган кишилар олиб боришини йўлга қўйиш. Оила, муҳаббат масъулияти, биродарлик, эр-хотинлик бурчи ҳақида кўпроқ фикрлар айтиб, енгил-елпи гапларга йўл қўймаслик.

Тўй кечаси микрофон ишлатилган тақдирда ҳам овозини пасайтириш (токи бошқаларнинг оромига халақит бермасин).

Тўй оқшомида таомларни оз ва соз тайёрлаш, исрофгарчиликка чек қўйиш.

Қуда чақириқ, куёв чақириқ, келин чорлар сингари тадбирларга етти маҳалладан одам чақирмасдан оилавий ҳал қилиш (бу тадбир керак: янги қариндошлар бир-бири билан танишса ёмон бўлмайди. Лекин шу ишни ортиқча харажатдор бўлиш даражасига олиб бормаслик).

Шундай қилиб, бу таклифларни шаҳримиздаги маҳалла оқсоқолларининг ўзлари ўртага ташлашган. Бундай таклифларни «Илғор», «Дўмбиробод», Сергели маҳаллалари активлари ҳам тўла қувватлайди. Бироқ, ҳамма маҳаллаларда ҳам шундай бўляпти, дейиш қийин. Айрим маҳалла бошлиқларининг ўзи бировнинг тўйида маълум чеклашларга ёрдам беришса ҳам бошқа бировнинг —ўзларига алоқадорроқ одамларнинг тўйида «тормозни қўйиб юборишади».

Албатта, тўй қилиш ҳар кимнинг шахсий иши. Ҳар ким орзулари билан яшайди. Бироқ, яхши ниятда қилинган тўйнинг тагидан тахири чиқар экан, бу энди шахсий иш эмас. Ҳамшаҳарларимиз бараварига бир гапни айтишаётгани бежиз эмас. Тўй қувонч, бахт рамзи бўлсин! Тўй азага айланмасин! Тўйхонада айтилган «Тўйлар муборак» қўшиғи ҳамманинг қалбига завқ солсин. У, ташвиш уйғотмасин!

ҚАДРЛИ ТОШКЕНТЛИКЛАР!

Ҳозир шаҳримизда тўй мавсуми авжида. Ҳамма ерда тўй тароналари янграяпти. Бироқ, биз яхши ният билан қилган тўйларимиз дилсиёҳликка, ортиқча чиқим, ортиқча исрофгарчиликка олиб келмаслигини хоҳлаймиз. Тўй борасида ўзингизни ҳаяжонга солган фикрларни, ўзингиз гувоҳ бўлган хуш ва нохуш воқеаларни ёзиб юборасиз деган умиддамиз.

СИОНИСТЛАР ҚИЛМИШЛАРИ УЧУН ЖАВОБ БЕРАДИЛАР!

Сионистларнинг Яқин Шарқдаги ёвузликларига қарши республикада бўлиб ўтаётган норозилик митингларида: Ливанда қон тўкилишининг давом этишига чек қўйилсин, исроиллик оккупациячилар босиб олинган ерлардан чиқиб кетишга мажбур этилсин! — деган талаблар янграмоқда.

— Тель-Авивдан чиққан фашистлар ва уларнинг америкалик ҳомийлари Ливандаги ваҳшиёна ҳаракатларини оқлаш учун қандай ёлғон уйдирмаларни ўйлаб чиқармасинлар ўн минглаб фаластинликлар ва ливанликлар қонини ўзларидан ҳеч қачон ювиб ташлай олмайдилар, деди 5 август куни Ўзбекистон пойтахтида гражданн авиациясининг 243-заводида бўлиб ўтган митингда электрик Х. Абдураззоқов. — Ваҳшийлашган Исроил ҳарбийлари бутун Ғарбий Байрут аҳолисини қириб ташлашга чоғланиб турганини кейинги кунлардаги воқеалар тасдиқлайди. Биз у ердаги ливанликлар билан фаластинликларнинг ҳаёти учун ўртоқ Л. И. Брежневнинг Америка президентига йўллаган мактубида яна бир бор изҳор этилган чуқур ҳавотирликка тўла-тўкис қўшиламиз. Биз шу ғайриинсоний ҳаракатнинг пайини қирқиш учун жуда зудлик билан чора кўриш тўғрисидаги даъватга ўз овозимизни қўшамиз!

(ЎзТАГ).

МУКОФОТ МУБОРАК

СССР ОЛИЙ СОВЕТИ ПРЕЗИДИУМИНИНГ ФАРМОНИ

ЎЗБЕКИСТОН ССРДА ЕНГИЛ САНОАТ КОРХОНАЛАРИНИ БАРПО ЭТИШДА НАМУНА КЎРСАТГАН ХОДИМЛАРНИ СССР ОРДЕН ВА МЕДАЛЛАРИ БИЛАН МУКОФОТЛАШ ТЎҒРИСИДА.

Ўзбекистон ССРда енгил саноат корхоналарини барпо этишда эришган муваффақиятлари учун қуйидагилар орден ва медаллар билан мукофотлансин.

ЛЕНИН ОРДЕНИ БИЛАН

Ҳолмуҳамедова Шоира Умаровна — «Малика» трикотаж ишлаб чиқариш бирлашмасининг тўқувчиси.

МЕҲНАТ ҚИЗИЛ БАЙРОҚ ОРДЕНИ БИЛАН

Қамбарова Ўктамхон — 2-«Узколхозспецстрой» трестининг бошқарувчиси.

Нуриллаев Кургенбой — «Ташпромстрой» қурилиш-монтаж ишлаб чиқариш бирлашмаси пардозлаш қурилиш бошқармасининг бошлиғи.

ХАЛҚЛАР ДЎСТЛИГИ ОРДЕНИ БИЛАН

Ғиёсов Ғаффоф — Ўзбекистон ССР Қурилиш министри ўринбосари.

Злобина Татьяна Тимофеевна — Тошкент тўқимачилик комбинатининг йигирувчиси.

Каримбердиева Лидия Викторовна — Тошкент тўқимачилик комбинати тўқувчиси.

Сарваров Рустам Хамдамович — «Ташпромстрой» қурилиш-монтаж ишлаб чиқариш бирлашмаси 63-қурилиш-монтаж бошқармаси монтажчилар бригадасининг бошлиғи.

Траханов Николай Трифонович — 93-ихтисослаштирилган трестнинг «Энергомонтож» Тошкент-монтаж бошқармаси монтажчи слесарлар бригадаси бошлиғи.

ҲУРМАТ БЕЛГИСИ ОРДЕНИ БИЛАН

Абдураҳмонова Мастура Маликовна — Тошкент тўқимачилик комбинати ўровчиси.

Башмаков Алексей Васильевич — Ўзбекистон ССР ва Ўзбекистон Компартияси 50 йиллиги номли Тошкент тикувчилик ишлаб чиқариш бирлашмаси созловчиси.

Берберов Бекир Шерипович — «Узстальконструкция» трести «Стальмонтаж» Тошкент монтаж бошқармасининг бошлиғи.

Власов Геннадий Федорович — «Малика» трикотаж ишлаб чиқариш бирлашмаси слесари.

Дятчин Иван Семёнович — «Средазтепломонтаж» трестининг Тошкентдаги 1-ихтисослаштирилган «Стройтермоизоляция» бошқармаси бригадаси бошлиғи.

Зельмер Леонид Яковлевич — 4-ихтисослаштирилган қурилиш-монтаж тресги 165-кўчма механизациялаштирилган колоннаси сувоқчилар бригадаси бошлиғи.

Эргашев Ботир Қодирович — «Малика» трикотаж ишлаб чиқариш бирлашмасининг бош директори.

Камолов Вил Шодмонович — «Узколхозстрой» бирлашмаси раисининг ўринбосари.

Минарова Мухтабар — «Қизил тонг» тикувчилик ишлаб чиқариш бирлашмаси ишчиси.

Михайлов Юрий Михайлович — «Узстальконструкция» тресги «Стальмонтаж» монтаж бошқармасининг иш юритувчиси.

Хантов Тўра — Ўзбекистон ССР Ички ишлар министрлиги бошқармаси бошлиғи.

III ДАРАЖАЛИ МЕҲНАТ ШУҲРАТИ ОРДЕНИ БИЛАН

Абдуллаев Сайдулла Фатхуллаевич — Тошкент фурнитура-пластмасса экспериментал заводининг слесари.

Кузнецов Николай Андреевич — «Союзлегпромпусконаладка» трести Ўрта Осиё созлаш бошқармаси ремонтчи слесари.

Митрофанов Геннадий Афанасьевич — «Узстройиндустрия» бирлашмаси 2-темир-бетон маҳсулотлари заводининг қолипловчиси.

Пашхўжаев Абдулаким Малигович — Ўзбекистон ССР Монтаж ва махсус қурилиш ишлари министрлиги автобазаси автомобиль ҳайдовчиси.

Сергеев Федор Александрович — «Узстройиндустрия» бирлашмаси экспериментал механика заводининг слесари.

Файзиев Абдуҳаким Раупович — «Малика» трикотаж ишлаб чиқариш бирлашмаси ремонтчи слесари.

Ҳолмирзаева Назира — Оҳунбобоев номли бош кийимлари фабрикаси тикувчи-мотористи.

Хрисанфов Александр Петрович — 4-ихтисослаштирилган қурилиш-монтаж трести 165-кўчма механизациялаштирилган колоннаси сувоқчи-бўёқчиси.

«ШАВКАТЛИ МЕҲНАТИ УЧУН» МЕДАЛИ БИЛАН

Андрюшкевич Лидия Михайловна — вахта ва янги луб маҳсулотларига бирламчи ишлов бериш корхоналарини лойиҳаловчи Давлат институти группасининг раҳбари.

Букацелло Николай Иванович — «Ташпромстрой» қурилиш-монтаж ишлаб чиқариш бирлашмаси 63-қурилиш-монтаж бошқармасининг электр пайвандчиси.

Гибадуллин Нурулла Хабиевич — 1-«Узсельэлектрострой» тресги 5-механизациялашган колоннаси электр монтёри.

Мирзаев Анвар — «Ташпромстрой» қурилиш-монтаж ишлаб чиқариш бирлашмаси қурилиш бошқармасининг дурадгорлар бригадаси бошлиғи.

Николаев Виктор Васильевич — «Узстройтранс» автотранспорт ишлаб чиқариш бирлашмаси 8-автобазасининг мастери.

Потапенко Игорь Сергеевич — Ўзбекистон ССР Монтаж ва махсус қурилиш ишлари министрлиги автобазасининг автомобиль ҳайдовчиси.

Проценко Елена Алексевна — «Қизил тонг» тикувчилик ишлаб чиқариш бирлашмаси тикувчи-моторисги.

Сарёпулос Спирос — Ўзбекистон ССР ва Ўзбекистон Компартияси 50 йиллиги номли тикувчилик ишлаб чиқариш бирлашмасининг дурадгори.

Шмидт Эдуард Карлович — 93-ихтисослаштирилган трестнинг «Энергомонтаж» монтаж бошқармаси монтажчи слесарлар бригадаси бошлиғи.

«МЕҲНАТДА ЎРНАК КЎРСАТГАНЛИГИ УЧУН» МЕДАЛИ БИЛАН

Арслонов Сандакбар Саидорипович — Ўзбекистон ССР ва Ўзбекистон Компартияси 50 йиллиги номли тикувчилик ишлаб чиқариш бирлашмаси газ пайвандчиси.

Артёмов Виктор Дмитриевич — «Союзлегпромпусканаладка» трести Ўрта Осиё созлаш бошқармасининг катта иш юритувчиси.

Батин Иван Трофимович — «Узстальконструкция» трести «Стальмонтаж» монтаж бошқармасининг электр пайвандчиси.

Борисевич Валерий Вячеславович — Тошкентдаги сантехника ускуналари тажриба-экспериментал заводининг қирқувчиси.

Воробьёв Виталий Александрович — «Узэлектромонтаж» трести 2-монтаж бошқармасининг электр монтажчилар бригадаси бошлиғи.

Ғаффорова Мухтарамхон — Тошкент чарм-галантерея ва спорт буюмлари ишлаб чиқариш бирлашмаси тикувчиси.

Давтян Оганес Тиграновнч — енгил металлоконструкциялари Тошкент тажриба заводининг термисти.

Дорш Владимир Карлович — Тошкентдаги 1-тажриба-экспериментал механика заводи электр пайвандчиси.

Ким Ен Ай — Тошкент чарм галантерея ва спорт буюмлари ишлаб чиқариш бирлашмасининг тикувчиси.

Козеров Борис Петрович — «Узстройтранс» автотранспорт ишлаб чиқариш бирлашмаси 8-автобазаси автомобиль ҳайдовчиси.

Мирахмнов Абдулла — «Узгипротяжпром» давлат лойиҳа институтининг лойиҳа бош инженери.

Осадчук Демьян Михайлович — «Союзлегпромпусканаладка» трестининг Ўрта Осиё созлаш бошқармаси ремонтчи-слесари.

Прасолов Михаил Филиппович — «Узстройтранс» автотранспорт ишлаб чиқариш бирлашмаси 8-автобазасининг автомобиль ҳайдовчиси.

Салахов Вильдан Бургенович — Тошкент фурнитура-пластмасса экспериментал заводи қирқувчиси.

Свинарев Виктор Степанович — «Узэлектромонтаж» трести 2-монтаж бошқармаси элтектромонтажчилар бригадаси бошлиғи.

Тугузбоев Бахтиёр Эргашевич — «Узстройтранс» автотранспорт ишлаб чиқариш бирлашмаси 8-автобазаси автомобиль ҳайдовчиси.

Чемулов Геннадий Алексеевич — «Узсантехгазмонтаж» трестининг Назарбекдаги кўчма механизациялашган колоннаси газ пайвандчиси.

Шишкин Владимир Михайлович — 6-қурилиш трести 33-қурилиш бошқармаси комплекс бригадасининг бошлиғи.

СССР Олий Совети Президиумининг Раиси **Л. БРЕЖНЕВ.**

СССР Олий Совети Президиумининг Секретари **М. ГЕОРГАДЗЕ.**

Москва, Кремль. 1982

ҚАРДОШЛИК ҚОНУНИ БИЛАН

НОҚОРАТУПРОҚ ЗОНАНИ ЎЗЛАШТИРГАНЛИК УЧУН

«Узновгородстрой» трестининг «Ташкентский» совхозини қураётган механизациялашган кўчма колоннаси коллективида кранчи Шавкат Медведев шу куннинг қаҳрамони бўлди. Ўртоқлари уни Россия Федерацияси Олий Советининг Президиуми берган «РСФСР Ноқоратупроқ зонасини ўзгартирганлиги учун» медали билан қутладилар.

Тошкентлик механизатор Новгород диёрига келганига беш йил бўлди. У Лесное поселкасида хўжаликнинг марказий қўрғонидаги дастлабки уйлар пойдеворини қуйди. Бу хўжалик тез орада сабзавот ва сут етиштирувчи катта хўжаликка айланади. Илгари ботқоқ бўлган бу жойларни энди таниб бўлмайди. Қўрғонда Ўзбекистон область марказлари шарафига ном берилган кўчалар вужудга келди, уларда кўркам ва шинам коттежлар қад кўтарди, қувур-ариқлар, бошқа инженерлик коммуникациялари ётқизилди.

Шавкат «Ташкентский» совхозида ўтроқ бўлиб қолди, уч хонали квартира олди, унда хотини София ва болалари билан яшамоқда. Қизи Дилора шу ердаги мактабда ўқиди, энди Новгород мелиорация техникумига кирди. У ота изидан боришга қарор қилган. Ўғли Дамир ҳам шу техникумда ўқимоқчи.

Собиқ тошкентлик механизатор смена топшириғини камида учдан бир ҳисса ошириб бажаришни қоида қилиб олган. СССР ташкил этилганлигининг 60 йиллиги шарафига меҳнат вахтасида туриш шу қоидага содиқлигини тасдиқламоқда.

ЯХШИ НАТИЖАЛАР БИЛАН

8-трестга қарашли қурилиш-монтаж бошқармасининг Иброҳим Юнусов бошлиқ комплекслашган бригада коллективи қурувчилар байрамини яхши натижалар билан қарши оляпти. Бунёдкорлар ярим йиллик топшириқни 114 процент уддаладилар. Чунончи, 168 минг сўмлик қурилиш-монтаж ишларини амалга оширдилар. Бу маррани эгаллаш билан улар Ю. Фучик кўчасида биринчи уйни монтаж қилишни бошлаб юбордилар.

Бошқарма бригадалараро мусобақада Николай Голуба бошлиқ коллектив ҳам пешқадамлик қилмоқда. Бу коллектив Новопольторацкий кўчасида ётоқхона қуряпти. Объектда қурилиш ишлари жадал суръат билан олиб боріляпти.

О. АНИСИМОВ.

ЖАҲОН ОЙНАСИ

ТАСС МУХБИРЛАРИ ХАБАР ҚИЛАДИЛАР

Совет буюртмалари — муддатидан илгари

ПРАГА. Сезимово-Усти шаҳридаги чехословак «Ковосвит» машинасозлик бирлашмасининг меҳнаткашлари рақамли программа билан бошқариладиган станокларнинг катта бир туркумини Совет Иттифоқидаги буюртмачиларга юбордилар. Корхона бу йил СССРга жами 160 та ҳар хил станок етказиб беради.

Ҳозирги вақтда «Ковосвит» бирлашмасининг конструкторлик бюросида совет мутахассисларининг ёрдами билан иккита тамомила янги станок тайёрланмоқда. Бирлашма коллективи бу йил совет буюрталарини муддатидан илгари — 30 ноябргача бажаришга қарор берди.

Робот ишлаб чиқарилмоқда

БЕРЛИН. Германия Демократик Республикасидаги корхоналар «БСМ—750» янги роботни кўплаб ишлаб чиқаришга киришдилар. Республикадаги қурилиш майдонларида кўп меҳнат талаб этадиган ишларни бажариш вақтида бу роботдан фойдаланилади. Агрегат 4 —5 ишчининг ишини бажаради ва меҳнат унумдорлигини қарийб 200 процент ошириш имконини беради.

Бу мамлакатда, деди ГДР қурилиш министрининг ўринбосари Э. Хаак, шундай роботлардан 20 таси ишлаб чиқарилади, 1985 йилнинг охирига бориб, уларнинг сони 100 тага етказилади. Шу беш йилликда қурилиш ишларида жами ҳар хил типдаги 2 минг «механик ёрдамчи»дан фойдаланиш мўлжалланган.

Шакарқамиш йиғиштириб олинди

ГАВАНА. Кубада шакарқамиш йиғиштириб олиш ниҳоясига етказилди. Бунинг натижасида 8,2 миллион тонна қанд хом ашёси тайёрланди. Бу йил мамлакатнинг бутун тарихида энг кўп самара олинган йиллардан бири бўлди. «Трабахадорес» газетаси таъкидлаб ўтганидек, ҳамма жойда ёнилги кам сарфланганлиги шакарқамиш йиғиштириб олишнинг ўзига хос хусусияти бўлиб қолди. Мамлакат бу йил шу ҳисобдан 100 минг тоннадан зиёд нефть маҳсулотларини тежади. Гранма, Гуантанамо ва Сьенфуэгос вилоятлари доим ёқилғини тежаш ҳаракатининг олдинги сафларида бордилар.

МИЛЛИЙ КАДРЛАР ТАЙЁРЛАНМОҚДА

ПНОМПЕНЬ. Пномпендаги медицина факультетини кампучияликлардан яна юздан ортиқ киши тамомлаб чиқди. Улар пойтахтдаги ва мамлакатнинг вилоят марказларидаги касалхоналар ҳамда поликлиникаларда ишга киришдилар.

Полпотчилар режими даврида неча юзлаб малакали медицина ходимларининг ёстиғи қуритилган эди. Кампучия озодликка эришган пайтгача бутун мамлакатда атиги 69 врач бор эди. Аммо ҳозирги кунда халқ ҳокимиятининг зўр ғайрат билан бажарган ишлари натижасида неча юзлаб мутахассис тайёрланди.

Совет Иттифоқи, Вьетнам ва бошқа социалистик мамлакатлар миллий медицина кадрларини тайёрлаш соҳасида халқ Кампучиясига катта ёрдам бермоқдалар.

ЮКСАК БАҲО

ВЕНА. Австриянинг СССРдаги савдо маслаҳатчиси Ф. Драшчик шу йилнинг июль ойида Москвада ўтган «Электро—82» Халқаро виставкасида Австриянинг иштирокига ижобий баҳо берди. Виставка давомида деди у Австрия экономикаси федерал палата матбуот хизмати мухбири билан суҳбатда, Австрия жами 200 миллион шилингликдан кўпроқ миқдорда шартномалар имзолади. Кабель асбоб ускуналари, саноат электропечлари, бошқариш системалари, ўлчов асбоблари ишлаб чиқариш соҳасида Австрия фирмаларининг совет ташқи савдо ташкилотлари билан ҳамкорлигини кенгайтириш учун қулай имкониятлар мавжуд.

Виставка, деб таъкидлади Ф. Драшчик, Австрия фирмаларига Совет Иттифоқидаги шериклар билан мавжуд савдо-саноат алоқаларини чуқурлаштиришга, янги муҳим битимлар тузишга имкон берди.

Бугунги Венгрия замонавий саноат ва фан, илғор қишлоқ хўжалиги. га эга бўлган мамлакатдир.

СУРАТДА: Будапештдаги «Қизил юлдуз» трактор заводи маҳсулотларини буюртмачиларга жўнатиш. МТИ—ТАСС фотоси.

Пенсионерлар партияси тузилди

БРЮССЕЛЬ. Бельгияда пенсионерлар миллий партияси тузилди. Партия нархнавонинг ўсиши ва ҳукуматнинг энг аввало социал эҳтиёжларга маблағларни қисқартиришни кўзда тутувчи «қаттиқ тежаш» сиёсати туфайли турмуш шароити тобора ёмонлашаётган мамлакат кекса аҳолисининг манфаатларини ҳимоя қилади.

Пенсионерлар миллий партияси шу йил октябрь ойида бўладиган муниципал сайловга ўз сайлов рўйхатини тайёрлаш ниятидадир.

Дўстлик ва ҳамкорлик мустаҳкамланаверади

КОНАКРИ. Ленин комсомоли билан Африка Демократик революция ёшлари — Гвинея миллий ташкилоти ўртасидаги дўстлик ва ҳамкорлик ҳар икки мамлакат ёшларининг манфаатларига хизмат қилади, планета халқларининг ялпи тинчлиги ва бирдамлигини мустаҳкамлашга ёрдам беради. Ўзбекистон ЛКСМ Марказий Комитетининг секретари Б. Дауланов бошчилигидаги ВЛКСМ ва СССР Ёшлар комитети делегациясининг Гвинеяга қилган сафари якунлари юзасидан бу ерда имзоланган ахборотда шу тўғрида гапирилади.

Ҳужжатда таъкидлаб ўтилишича, Гвинея ва совет ёшлари бундан буён ҳам империализм, эски ва янги мустамлакачиликка, ирқчилик ва апартеидга қарши, кескинликни юмшатиш ва социал тараққиёт учун биргаликда курашадилар. Томонлар Ливан ва Фаластин халқларига нисбатан қирғинчилик сиёсатини амалга ошираётган Исроилнинг ваҳшиёна агрессиясини қатъиян қоралайдилар. Улар Исроил қўшинлари босиб олинган барча араб ерларидан олиб чиқиб кетилиши ва Фаластин халқининг ўз давлатини вужудга келтиришдан иборат даҳлсиз ҳуқуқи амалга оширилиши натижасидагина Яқин Шарқда ҳақиқий тинчлик ўрнатиш мумкин, дедилар.

Гвинея ва Совет Иттифоқининг ёшлар ташкилотлари Африканинг Жанубидаги аҳвол кескинлашганлиги муносабати билан ғоят ташвишланаётганликларини билдирдилар. Бу ерда ирқчи Жанубий Африка Республикаси «фронт яқинидаги давлатлар»га қарши агрессив ҳаракатларни давом эттирмоқда, Анголага қарши эълон қилинмаган уруш олиб бормоқда, Намибияда ўзининг мустамлакачилик ҳукмронлигини мангу сақлаб қолишга интилмоқда. Ҳар икки мамлакатнинг ёшлар ташкилотлари преторил режимининг қитъа жанубидаги агрессив сиёсати халқларнинг ялпи тинчлиги ва осойишталигини хавф остида қолдиради, деб таъкидладилар.

Гвинея делегацияси бундай деди: СССР ташкил этилганлигининг 60 йиллиги сиёсий жиҳатдан ғоят муҳим воқеадир. Бу ленинча миллий сиёсат, совет республикалари халқларининг дўстлиги ва қардошлиги тантана қилганлигини тасдиқлайди. Гвинея ёшлар ташкилоти комсомолнинг ва барча совет ёшларининг шу юбилей йилида СССРда коммунистик қурилиш вазифаларини амалга оширишда янгидан-янги муваффақиятларга эришувини истайди, деб таъкидлаб ўтилади ахборотда.

В. ЕМИЛЬЯНОВ.

Норвегиянинг Шиен шаҳрида Шимолий Европа мамлакатлари тинчлик тарафдорларининг слёти бўлиб ўтди. Слёт «Европанинг шимолида ядросиз зона ташкил этиш учун курашни жипслаштирайлик!» шиори остида ўтди. Турли мамлакатларнинг вакиллари Америка Қўшма Штатларининг агрессив ташқи сиёсатидан чуқур ташвишда эканликларини изҳор этдилар.

СУРАТДА: шаҳарнинг энг йирик «Шиенсхал лен» залида шаҳар мэри Хальвор Ос слёт қатнашчилари олдида нутқ сўзламоқда. В. Минкевич фотоси. ТАСС фотохроникаси.

ОЛИЙ ЎҚУВ ЮРТЛАРИ ҲАЁТИДАН

СТУДЕНТЛАР ЁРДАМИ

Хоразм педагогика институти математика факультетидан Хосият Гаданиёзова, Дилором Иброҳимова, Зульфия Қурбонова ва уларнинг ўртоқлари студентлар отряди составида «Қорақум» совхози далаларида зўр ғайрат билан меҳнат қилганликлари учун совхоз дирекциясининг ташаккурномасига сазовор бўлдилар. Улар меҳнат семестрида шоли пайкалларини ўток қилмоқдалар. Йигит ва қизлар хўжаликда 1500 гектар майдонни эгаллаган шоли пайкалларини бегона ўтлардан қисқа муддатларда тозалашда совхоз меҳнатчиларига ёрдам бердилар. Хоразм олий ўқув юрти талабаларидан мингдан кўпроқ киши ўзларининг меҳнат ёзини воҳадаги хўжаликларда ва қурилишларда, корхоналарда ва ташкилотларда ўтказмоқдалар. Улар Тўямўйин гидроузели, Урганч аэропорти меҳмонхонаси, Шовот районидаги ўрдак боқиш комплекси ва бошқа объектларни қуришда қатнашмоқдалар. Тошкентдаги олий ўқув юртларидан борган студентлар ва қардош Туркманистоннинг Тошовуз шаҳридаги ҳунар-техника билим юртларининг ўқувчилари улар билан биргаликда ишламоқдалар.

(ЎзТАГ).

Тошкент тепловоз депосининг меҳнатсевар коллективи темирйўлчилар кунини меҳнатда катта кўрсаткичлар билан кутиб олди. Бу ерда юзлаб коммунистик меҳнат зарбдорлари меҳнат қилади.

СУРАТДА: социалистик мусобақада пешқадамлик қилаётган электриклар бригадасининг бошлиғи А. Рустамов.

М. Нуриддинов фотоси.

ИШЧИ КОЛЛЕКТИВЛАРИ ҲАЁТИДАН

РАҲБАРНИНГ ЮКСАК БУРЧИ

Бугунги кунда ҳақиқий раҳбар, айни пайтда тарбиячи ҳам бўлиши кераклигини билмайдиган ходимни топиш қийин. Раҳбарга нафақат ишлаб чиқаришнинг яхши ташкил этилиши боғлиқ бўлади. Ишнинг яхши ташкил этилиши коллективдаги яхши тарбиявий иш билан мувофиқ ҳолда олиб борилиши ҳам ғоят муҳим.

Бу шундан иборатки, меҳнат коллективи бошида турган раҳбар ходимга шундай таъсир кўрсатиш қобилиятига эга бўлиши керакки, токи унда ижодий илҳомланиб меҳнат қилиш истаги пайдо бўлсин, у бор куч ва имкониятлари даражасида ишласин, жамоат ишида фаол қатнашсин. Социалистик коллективга раҳбарлик қилиш санъати, аввало коллективга суянишда, қўл остидагиларнинг фикрларини билишда намоён бўлади.

Замонавий хўжалик фаолиятини анализ қилиш шуни кўрсатадики, ишлаб чиқаришнинг муҳим участкаларига раҳбарлик қилишга лаёқатлилик ва ишчанлик, сиёсий етуклик, кишилар билан маданий муомала қилишлик, коллективда ўзаро муносабатни тўғри ташкил эта билишлик қобилиятига эга бўлган мутахассислар кўпроқ келишмоқда. Натижада корхонада махсус маълумоти бўлмаган цех ва бўлимларнинг бошлиқлари кескин камайди.

31-қурилиш бошқармаси бошлиғи М. М. Авруцкий ана шу сифатларнинг кўпига эга. У кадрларга талабчан ва айни пайтда уларга эҳтиёткорлик билан муносабатда бўлади. Аввалдан тузиб олинган шахсий план бўйича ишлайди, иш куни тартибига риоя этади, лоқайдлик ва шошма-шошарликка йўл қўймайди, энг муҳими долзарб масалаларга фикрини жамлай олади. Иш вақтидан оқилона фойдаланиб, шахсий меҳнатни тўғри ташкил этиш эвазига у меҳнат коллективи ишини юқори даражада ташкил этишга эришди.

Инженер-техник ходимларнинг онгида ҳам чуқур ўзгаришлар рўй бермоқда. Улар ишлаб чиқаришни ривожлантириш ва такомиллаштириш муаммоларини анча эркин ва иқтисодий жиҳатдан малакали ҳал этадиган бўлиб қолишди, кишиларнинг меҳнат ва маиший шароити ҳақида кўпроқ ғамхўрлик қилишмоқда, тарбиявий ишни кучайтиришмоқда. Бу борада мастерлар ҳақида гапириб ўтишни истайман. Корхонамизда етарли даражада умумий ва техник тайёргарликка эга бўлган, тажрибали, жамоат ишида фаол қатнашаётган юқори малакали ишчилар мастер лавозимига ҳеч қандай тўсиқсиз кўтарилмоқда.

Кейинги йилларда 14 ишчи мастер лавозимига ўтишди. Комбинатнинг ҳар бир бўлинмасида раҳбарлик ишига кўтариш учун резерв бўлиб, улар орасида 67 инженер-техник ходим, шунингдек институт ва техникумларнинг кечки бўлимида таълим олаётган 90 га яқин ишчи бор.

Тажрибанинг кўрсатишича, бригада усулида ишлашнинг жорий этилиши осон эмас. Партия комитети, цех партия ташкилотлари тайёргарлик иши пайтида юзага чиққан барча масалаларни ишчанлик ва тезкорлик билан кўриб чиқишди.

Ташкилий ишлар билан бир пайтда партия активи билан бригадирларнинг ўқуви узвий олиб борилди. Биз ҳар бир бригада коллективининг муваффақияти унга ким бошчилик қилиши билан ғоят боғлиқ эканлигини тушунар эдик. Бригадир нафақат энг яхши илғор ишчи бўлиши, балки у бригадада обрўли коллективни ўзига эргаштира олувчи бўлиши керак. Худди ана шундагина бригадир коллективни бирлаштиришдек муҳим вазифани бажариши, бригадада ўзаро тўғри муносабатни таркиб топтириши мумкин.

31-қурилиш бошқармаси комплекс бригадаси бригадири Михаил Иванович Ошчепков ҳақида ҳам анчагина яхши сўзларни айтиш мумкин. Бригада ташкил этилгандан бери, яъни 1976 йилдан бери коллектив бригада пудрати усулида ишлаяпти. Бригаданинг энг муҳим ютуқларидан бири кишиларнинг активлиги, коллективизм руҳи, ўзаро ёрдам, янги резервларни қидириб топиш ва жорий этишга бўлган иштиёқдир. Ютуқларга одамлар сони кўплиги учун эмас, балки маҳорат ўсганлиги билан эришилмоқда. Бригадада ёш ишчилар бўлиб, уларга катта ҳаётий ва касб тажрибасига эга бўлган Г. Елисеев, Х. Хамидулин, Ш. Гибитов каби мураббий ишчилар бириктириб қўйилган.

Бизда янги бригадаларга бошлиқ этиб асосан илғор ишчи коммунистлар сайландилар. Улар қайта қурилиш пайтидаги кўпгина қийинчиликларни бартараф этиб, тўғри йўлни топишда зўр ғайрат кўрсатишди. Биз учун ҳозир иккита муаммо ғоят муҳим ҳисобланади. Биринчиси — бригадирлар ўқуви ва иккинчиси — уларнинг резервини тарбиялашдир.

Бизнинг кекса мураббийларимиз уруш ва меҳнат ветеранлари Қизил Юлдуз ордени кавалерлари Константин Фёдорович Анурьев ва Владимир Владимирович Ганчиц шонли меҳнат йўлини босиб ўтишган. Ишлаб чиқариш пешқадамлари, бригадирлар-мураббийлар ўзларининг бой тажрибаларини ёш ишчиларга ўргатмоқдалар. Уларда халққа ва партияга муҳаббат ва бурч руҳини тарбияламоқдалар.

Фёдор Шевчук билан Владимир Волосатов каби бригадирларимиз ҳам катта обрў қозонишган. Ҳозир улар илғор комсомол-ёшлар коллективларига бошчилик қилишмоқда.

Бизнинг партия ташкилотимиз кадрларни танлаш ва жой-жойига қўйиш практикасини мунтазам такомиллаштирмоқда, уларнинг ғоявий-сиёсий ва техник билимини оширмоқда, иқтисодий тайёргарлигини яхшиламоқда.

Раҳбарларнинг кўпчилиги марксизм-ленинизм университетини битирган бўлиб, партиявий-сиёсий маълумотга эга. Уларнинг кўпчилиги пропагандистлар, сиёсий докладчилар, сиёсий ахборотчилар ҳисобланишади. Партия ташкилоти раҳбар кадрларнинг марксча-ленинча тайёргарлиги уларнинг меҳнаткашлар ўртасидаги сиёсий ишлари билан узвий боғлиқ бўлишига эришишга ҳаракат қилмоқдалар.

Э. РУСТАМОВ,
Тошкентдаги 1-уйсозлик комбинатининг бошлиғи.

• *Ҳикмат гуллари*

Доноларнинг ақл чироғи

Саховат баёнида

Бўл сахий, сен, эй биродар бўл сахий,
Бўлмагай ҳар хил бало бошда дағи-
Доимо мардлик ила мардона бўл,
Ким сахийдир қуллар они барча қул!

△ Эй ўғил! Токайгача сен ўз осойишталигинг ҳақида ўйлайсан?! Шундай иш қилки, сен сабабли бошқа одамлар ҳам осойишталик топиб, роҳатга етсин!

△ Халққа хайру-эҳсон қилиш нақадар яхши фазилат! Бироқ бу хайру-эҳсон беғараз ва холис бўлса яна ҳам яхши!

△ Мурувват майдонининг шоҳсувори бўлай десанг, ғараз билан иш қилиб, эвазига бировлардан фойда олишни ўйлама!

△ Эвазига кутиб қилинган яхшилик яхшилик ҳисобланмайди, балки у оддий олди-бердидан иборат холос.

△ Бировга яхшилик қилган бўлсанг, уни миннат қилиб, камситма, бировга ичирган ва едирганингни миннат туфайли заҳарга айлантирма!

△ Саховатли киши шундай кишики, биров нарса сўрамай туриб, олдиндан ҳадя қилиб улашади.

Қилган ишим бўлмасин деса абас[1],
Эр фақат ўз мақсадини ўйламас!

△ Эй ўғил! Саховатингни киримингга, даромадингга қараб қил. Чунки ёнингдаги пулингни бирданига совуриб юборсанг, саховатингни кейин нима билан амалга оширасан?!

Мисра:
Чиқиминг бўлсин киримга мос бироқ.

△ Имконинг кўтаришига қараб сахийлик қил, бировларга қараб, тақлид қилган ҳолда сахийлик қилмоқчи бўлма!

△ Қарз олиб, бунинг эвазига сахийлик қилишга уринма, бошқаларнинг молини олиб, бошқаларга едиришдан нима фойда?!

Бойлигинг бўлганда танглик қилмагин,
Йўлинг очиқ бўлса ланг[2]лик қилмагин!

△ **Латифа.** Муғийра ибн Абдуллоҳ ас-Сақафийнинг дастурхонига эчки боласининг пиширилган гўшти қўйилган эди. Унинг ёнида бир араб ўтирган бўлиб, у шиддат билан гўштга қўл урди ва шоша-пиша ейишга киришди. Буни кўрган Муғийра:

— Уни ғазаб билан ейишга киришдинг, назаримда унинг онаси сени сузганга ўхшайди-а?!— деди.

Араб ҳам унга қараб:

— Сен меҳрибонлик қилиб, емай турибсан, назаримда унинг онаси сени эмизганга ўхшайди-а?!— деди.

Қаноат хусусида

△ Сўрадилар:

— Қаноат нима?

Айтди:

— Бировларнинг қўлидаги нарсани кўриб маъюс бўлманг. Тамагирликдан қочинг, тамагирлик сизни албатта камбағаллик сари етаклайди.

△ Бишр ибн ол-Ҳарис айтади:

— Бир йигит бойлик қидириб уйидан чиққан эди. У йўл юриб чарчаб, бир харобалик олдига келиб ўтирди. Ногоҳ унинг кўзи деворга ёзиб қўйилган қуйидаги сатрларга тушди:

Эй қаршимда ўтирган, сени кўриб турибман,
Билдимки, қайғу-ғамдан юрагинг тўла қондир.
Қийнамагил ўзингни, борингга сабр айла,
Қаноатли кишидан ғаму-кулфат ниҳондир.

Йигит бу сатрларни ўқиб, бойлик топиш фикридан қайтди ва уйига жўнаб кетди.

Оқил инсон топганига сабр этар,
Сўнг ўзининг нафсига ул қаҳр этар.
Аблаҳ одам аблаҳи шундай одам,
Доимо нафс кўйида урғай қадам.

Маслаҳатлашиб иш тутиш ҳақида

△ Кимки маслаҳатлашиб иш тутса ҳеч қачон пушаймон бўлмайди. Кимки тежамкорлик билан ўртача йўл тутса, ҳеч қачон камбағал бўлмайди.

△ Кимки ўз фикрига мағрурланиб иш тутса йўлдан адашади, кимки ўз ақлига суяниб, ўзгалар билан ҳисоблашмаса, хорлик тортади.

△ Маъмуннинг вазири Муҳаммад ибн Довуд кунлардан бир кун бир одамнинг шундай деб турганини эшитиб қолди:

Ақл эгаси бўлсанг журъатга ҳам эга бўл,
Чунки журъат бўлмаса иккиланиш юз берар.

Шунда у қуйидаги байтни илова қилди:

Журъат эгали бўлсанг шошил ишга солмоққа,
Чунки журъат бузилса ишни орқага сурар.

△ Айтадилар:

— Ақлли одам етти хил киши билан ўзаро маслаҳатлашмайди. Улар нодон, душман, хасадчи, ёлғончи, қўрқоқ, бахил, нафсига берилган кишилардир. Чунки нодон йўлдан адаштиради:

Ҳар киши ўз ақлидан огоҳ бўлар,
Ўзидан гумроҳлиги* гумроҳ[3] бўлар.

Душманнинг эса сенинг зарар топишингни ўйлайди:

Ҳар киши ўз душманин кучсиз санар,
Бир куни кучли зиёнидан ёнар.

Ҳасадчи эса бор-шудингдан ажралишингни истайди:

Ким ҳасад қилса бировнинг молига,
Охири бўлгай онинг вой ҳолига!

Ёлғончи эса фикрингни бузиб кўрсатади:

Кимки ёлғон сўзласа ризқи кетар,
Бир куни ёлғон сўзи бошга етар.

Қўрқоқ эса дадилликдан қайтаради. Бахил эса бойлик тўплашга ҳорисманд бўлади ва ундан бировга фойда етмайди:

Молу-ҳолинг аслида душман эрур,
Зоҳиран боқсанг нега равшан эрур.

Нафсига берилган киши ҳою-ҳаваснинг асири бўлиб, нафс тўридан қутилишга кучи етмайди:

Меҳнатинг бирла нафсга бер жазо,
Қилмасин токи балога мубтало!

М. ҲАСАНОВ тайёрлаган.

1. Бефойда.
2. Сустлик.
3. Йўлини йўқотиш.

АКС-САДО

(ШИНГИЛ ҲИКОЯ)

Тақа-туқ, тақа-туқ!

От кетяпти. От олға боряпти. Манзилга шошиляпти:

«Қачон етиб бораман? Қачон дам оламан? Қорним очиб кетди-ку... Жудаям чанқадим... Эгам буни нега билмаяпти?».

Тақа-туқ, тақа-туқ!

От боряпти. От олдинга интиляпти. Йўлларни ҳидлаб, искаб, манзилини қўмсаб боряпти.

«Мана, етиб қолдик. Ҳозир ўша кўчага буриламан.. Оҳ, ўша зилол ариқдан симириб-симириб сув ичаман... Эгамнинг ўғли Аълохон югуриб келиб бўйнимдаги ёлларимни майин қўллари билан силайди... Оҳ, шунда жуда роҳатланиб кетаман... Қанча қолди, уйимизга неча одим қолди?».

Тақа-туқ, тақа-туқ!.. Отнинг тақаланган туёқлари тош-метин ерга тўхтовсиз урилади. Жийронми у, саманми у, тулпорми у, учар отми у, олға боради.

Тақа-туқ, тақа-туқ!

«... Уйга ҳам яқин келдик. Вой, ўзим ўрганган уйнинг ҳамма ҳиди келяпти... Намунча ёқимли... Пешин чоғи уйга бир арава қовун-тарвуз олиб келиб ташлагандик... Пўчоқларни қолгандир... Аълохон ҳозир жажжи қўллари билан менга пўчоқларни едиради, мазза қиламан, чайнаб-чайнаб, ковшаб-ковшаб ейман... Унинг сарғиш-ўтли кўзларига мўлтираб қараб яна пўчоқдан бер, дегандек илтижо қиламан. Аъло севинч билан яна қовун пўчоғидан беради. Қалин лабларим билан унинг жажжи қўлидан қовун пўчоғини оҳиста ямлаб оламан...»

Тақа-туқ, тақа-туқ...

От олға боради. Эгаси эса ўзича хаёл суради. У отининг чанқаганидан ҳам, қорни очганидан ҳам, қадрдон уйига яқинлашиб боргани учун қувонаётганидан ҳам бехабар ўтиради.

От эгаси бир дўстининг уйига кирмоқ ниятида хаёл суради.

Тақа-туқ, тақа-туқ...

От ўз манзилига, қадрдон уйига интилмоқчи эди, эгаси жиловни чап тарафга силтади. Оҳ бечора, от оғзи, лаблари озор чекдию, эгаси жиловини силтаган томонга бурилди. У шу зумда жилов зарбидан чанқаганини ҳам, қорни очганини ҳам унутди. Эгасининг юрагига кўниб чапга дадил қайрилди.

Зийрак бу жонивор уйини севар, агар эгаси бўлмаса ҳам ўзи гўшасини топиб бора олар эди. От шундай садоқатли, хушёр, зийрак эди.

От энди оёқларининг заминга зарб билан урилиб боришини тингларди:

— Тақа-туқ, тақа-туқ.

Тўлқин РАСУЛЕВ.

«ОЗОДАЛАР».

Х. Мирзакаримов фотолари.

Музикачи ҳақида ҳикоя

Самарқанддаги Ўзбекистон халқлари маданият ва санъати тарихи давлат музейида Хожиабдулазиз Расуловнинг ҳаёти ва ижоди тўғрисида ҳикоя қилувчи экспозиция очилди. Экспозиция ана шу ҳофиз, музикачи, бастакор туғилган куннинг 130 йиллигига бағишланган.

Экспонатлар орасида 20 — 30 йилларда Ҳ. Расуловнинг педагогик фаолиятини акс эттирувчи ҳужжатлар ва фотосуратлар бор. Ҳ. Расулов ўша йиллари Самарқанддаги музика ва хореография институтида ишлаган эди. XIX асрда фил суягидан нақш солиб ясалган танбур ва дутор виставка коллекциясини безади. Бу чолғу асбобларини музейга Расуловнинг шогирди— Сироч Қори совға қилди.

Бугунги кунда Самарқанддаги санъат билим юртида Ҳ. Расуловнинг ижодий мероси ўрганилмоқда. Шаҳардаги у яшаган кўча ҳофизнинг номи билан аталган.

(ЎзТАГ).

ШАНБА ОҚШОМИ

△ ҲИКМАТ — БИР ҲОВУЧ ОЛТИН △ТОЗА ҲАВО—ТАНГА ДАВО △ АЖОЙИБОТЛАР ОЛАМИДА △ РАССОМ ТАБАССУМИ.

ОНА ТИЛИМИЗ— ХАЗИНА

СЎЗ ТАГИДА СЎЗ БОР

ҚОРАМУҒ — ўзбекча — қора, тожикча — муғ (сеҳргар, афсунгар) сўзларидан ҳосил бўлган. Буғдойларда паразит ҳолида учрайди ва зиён етказади. Шунинг учун ҳам халқимиз қорамуғ донаси бўлгунча, буғдойнинг сомони бўл, ёмоннинг яхшиси бўлгунча, яхшининг ёмони бўл, деган мақолни бежиз айтишмайди. Табобатда қорамуғ перпаратлари майда қон томирларни торайтириб, қон босимини сал кўтариш керак бўлганда ишлатилади.

ШАФТОЛИ — форсча шафт ва олу сўзларининг қўшилишидан ҳосил бўлган. Олу— олча, гилос, ўрик каби шаклан юмалоқ меваларнинг қадимги умумий номи. Абу Али ибн Сино айтишича, баргининг суви ярадаги қуртларни ўлдиради, ўзини овқатдан олдин еса иштаҳани очади.

САПЧА— форсча сафча сўзидан ҳосил бўлган. Уни республикамизнинг баъзи областларида ҳамда тожикчада таррак дейилади. Беруний ўзининг «Сайдана» асарида дори сифатида унга таъриф ва тавсиф берган.

ГАРМДОРИ — форсча гармдона — иссиқ дон (ёки дона) деган сўздан олинган, яъни бу ўринда гармдорининг уруғи назарда тутилмоқда, бинобарин, кейинчалик ўзбек тилида сўз маъноси кўчиб, ўсимлик мевасини ва ниҳоят, ўсимлик турини англатадиган бўлган. Бу бизнинг фаразимиз. Ҳақиқатда эса гармдори— форсча гарм — иссиқ, дору — дори сўзларидан ясалган, яъни иссиқ дори демакдир. Мазкур ном гармдорининг танани қиздириш хусусиятидан келиб чиққан.

МАЙИЗ— форс-тожикча мавиз сўзидан келиб чиққан. Абу Али ибн Сино уни турли хил касалликларда қўллаган. Майиз кам қонликда, қон босими пасайиб кетганда истеъмол қилинса яхши натижа беради.

А. ҚОСИМОВ,
«Медицина» нашриёти редактори.

ТАБИАТНИ ЭЪЗОЗЛАЙМИЗ

БИЛЛУРДЕК МУСАФФО ҲАВО...

Ер сатҳидан бошлаб бизнинг нафас оладиган ҳавоийимиз бир неча километр баландликка кўтарилиб, кейин аста-секин сайёралараро бўшлиққа қўшилиб кетади. Қизиғи шундаки, бу ҳаво дегани — атмосфера тиккаси у ёқда турсин, горизонталига ҳам бир хил таркибга эга эмас. Сайёрамиз океанининг размери 5 минг триллион тоннага тенг. Ўзининг физик хоссалари ва ҳарорат ўзгариши билан атмосфера бешта қатлам — трапосфера, стратосфера, мезосфера, термосфера ва экзосфераларга бўлинади.

Атмосфера ер куррасининг иқлимини регуляция (бир хил ҳолатда) қилиб туради: қуёшнинг иссиқ нурларини ўтказади ва ўзида сақлайди; Ер сатҳидаги намликни ташийди; модда алмашишига ёрдам кўрсатади; тирик организмларда кечадиган иссиқлик алмашинишига таъсир этади.

Маълумки, ҳавода озод кислороднинг қарийб ҳаммаси биоген йўли билан пайдо бўлади. Шулардан 30 процентини қуруқликдаги яшил ўсимликлар, қолган 70 процентини дунё океанидаги бир ҳужайрали сув ўсимликлари — фитопланктон ишлаб чиқаради. Бильакс шундай экан, қуруқликдаги яшил ўрмонларнинг учдан икки қисми кесилганлигини ва уларни экиш орқада қолиб кетаётганлигини сезган олимлар ер куррасидаги бутун инсоният эътиборини дарахт ўтказишга ва дунё океан сувларини «заҳарламасликка», уларнинг ифлосланишига йўл қўймасликка баралла чақирмоқдалар.

Атмосферани ифлос қилувчи асосий нарсалар — бу чанг, олтингугурт бирикмалари, азот оксиди, углерод оксиди, углеводородлар ва радиоактив моддалардир.

Лондон шаҳридаги кўча ҳаракатини бошқарувчи милиция бир кунда 100 та сигарет чеккандек тутун ютади. Рур вилоятидаги осмон ҳавоси ўта ифлосланганлиги учун у ердаги яшил дарахтлар қуриб қолмоқда. Венеция ва Кельнедаги собор ва ҳайкаллар жароҳатланмоқда. Машҳур Тожмаҳал ҳам емирилмоқда. «Ҳозирги кунда кўпчилик америкаликлар нафас олаётган ҳаво — оддий лойга яқиндир» деб ёзади «Таймс» журнали.

Кейинги ўн йиллар (1970—1980) давомида Францияда олиб борилган текширишларга кўра, бу мамлакатда ойига катта иссиқлик электр станциялари ҳавога 75 минг тонна, айрим уйларни иситувчи ва майда ҳажмдаги иссиқлик берадиган ускуналар 55 минг тонна, катта завод ва фабрикалар 50 минг тонна заҳарли моддаларни ҳавога чиқаради. Шунга қарамай, Франция атмосфераси кейинги йилларда бир оз бўлса ҳам тоза ҳолатда эканлиги эътироф этилди. Масалан, 1971 йилдан 1975 йилга қадар ҳаводаги олтингугурт икки оксидининг миқдори 23 процентга, 1978 йилга келиб яна 14 процентга камайган. Ҳозирги кунда Францияда ҳаво тозалигини текшириб турадиган махсус давлат бошқармаси тузилган ва унга ҳар йили 23 миллион франк ажратилган.

Ҳар йили ҳавога қўшилаётган юз миллион тонналаб заҳарли моддалар ер юзи халқаларининг қуйидаги масалаларга эътиборини тортиш кераклигини тақозо қилмоқда: Биринчидан, йиллар ўтиши билан ҳавода заҳарли моддалар миқдори ошиб бормоқда ва тўпланмоқда. Иккинчидан, ифлос моддалар ер курраси ҳавосида бир хил тарқала олмайди ва шу боисдан бир хил жойларда, жумладан Япония ҳавосида улар миқдори нормадан ошиб кетди. Учинчидан, гоҳо айрим заҳарли моддаларнинг ҳаводаги оз миқдори ҳам хавфлидир.

Осмонимиз ҳавоси доимо мусаффо бўлишининг асосий омиллари қуйидагичадир: чиқинди чиқармайдиган технология ишлаб чиқиш; газларни тозалаш учун эффектив усуллар кашф этиш; саноат корхоналарини илмий асосларда жойлаштириш, санитар-муҳофаза зоналарини ташкил этиш.

Ватанимизда ўтказилаётган бу соҳадаги тадбирий чоралар атмосферани тоза сақлаш учун ташкил этилган кўрикда намуна бўла олади. 1971—1973 йиллар давомида биргина Украина ССРда 700 дан ортиқ чангни ушлаб қолувчи катта ускуналар ўрнатилди. Эстонияда ССРдаги энг катта Кохтла-Яр азот ўғитлари ишлаб чиқариладиган заводда саноат чиқиндилари тўлатўкис ишга солинди ва ҳаво ифлосланишидан қутқарилди.

Ўзбекистонимизда Озарбайжон ташаббуси қўлланиб, турли завод-фабрикалар ни чиқиндисиз — тўла технология билан ишлаш устида катта ишлар қилинмоқда. Натижада Тошкент ҳавоси энг тоза ҳаволардан бири эканлиги кейинги йиллар давомида тасдиқланди. Бу ишлар яна ҳам тез суръатлар билан давом эттирилмоқда.

М. ЗОКИРОВ,
геология-минералогия фанлари доктори.

«О, Нилуфар!».

ҚИЗИҚАРЛИ ПАЗАНДАЛИК

Энг қадимий таом

Инсоният нонни кашф қилгунга қадар асосий таоми бўтқа бўлган. Бўтқа бу бирон бир хил донни сувга ёки сутга солиб пишириладиган қуюқ қайнатмасидир. Мисол учун оқ жўхори ёки буғдой қайнатмалари гўжа бўтқа, сўкдан сўк бўтқа, гуручдан гуруч бўтқа ёки ширгуруч, мошдан мошова кабилардир.

Қадимда донни тегирмонда тортиб ун қилишни билишмаган, шунинг учун донларни эзилтириб пишириб, баъзан бўтқани офтобда қотириб нон ўрнида сабзавот ва меваларга, гўшт, тухум, балиққа ва бошқа егуликларга қўшиб истеъмол этганлар.

Хуллас, барча донли қуюқ овқатларнинг тарихи бўтқа билан боғлиқдир. Бугина эмас, бўтқа асосий таом бўлганлигидан барча халқларда, шу жумладан ўзбекларда ҳам турли ибора ва маталлар келиб чиққан. Масалан: кўнгилга мос келмаган кишига нисбатан: «У билан бирга бўтқа пишириб бўлмайди», — дейилади. Ешлигидан бирга ўсган кишилар бирбирини «Бўтқадошим» деб юритишади. Ишни ўринлата билмаган кишига қарата: «Ўзинг пиширган бўтқани ўзинг сявер!» — дейишади.

Булар ҳаммаси бўтқа тайёрлашнинг осонлигидан, аралаштириб пиширилишлигидан, шарақ-шарақ қайнашидан, совутмай ейилса, оғизни куйдиришидан далолат беради.

Қ. МАХМУДОВ.

БИЛИБ ҚЎЙГАН ЯХШИ

ШИНГИЛ МАСЛАҲАТЛАР

△ Нонушта, тушки овқат, кечки овқат олдидан шошилмасдан бир қултимдан ичилган бир пиёла сув, хом сабзавотлар, ноннинг сирти, янги ивитилган чучук қатиқ, карам, хом ёки пиширилган лавлаги ичак фаолиятини яхшилашга ёрдам беради.

△ Баъзида бўғимларда оғриқ пайдо бўлади: бу оғриқ гоҳ елкада, гоҳ умуртқа поғонасида сезилади. Бошни у ёкбу ёкка бурганда бўғин умуртқалари шиқирлайди, қулоқ шанғиллайди. Бу аломатлар туз алмашинувининг бузилишидан келиб чиқади. Бундай вақтда дарҳол врачга учрашиб даволаниш керак. Туз алмашинуви бузилганда даво гимнастикаси билан шуғулланиш жуда фойдалидир. Буни ҳам врач билан бамаслаҳат амалга ошириш керак.

△ Тандирдан янги узилган иссиқ нондан кечаги, бир оз суви қочган ноннинг ҳазм бўлиши осон ва тансиқхатлик учун фойдалидир.

△ Нонни бир-икки кун янгидек сақлаш мумкин. Бунинг учун нон сақланадиган идишга арчиб кесилган олма ёки картошка, озгина туз солиб қўйсангиз кифоя, нон юмшоқ бўлиб тураверади.

Ш. АЛИМОВА.

23 МЕТРЛИ АВТОБУС

Ғарбий Германияда уч секцияли, 225 пассажир сиғадиган суперавтобус яратилди. Шаҳарлараро қатнайдиган бу улкан автобуснинг узунлиги 23 метрдир.

• *Дам олиш соатида*

КРОССВОРД

Энига: 1. Олий лига футбол командаси. 3. Ёғочдан ўйиб ишланган катта товоқ. 21. Ўз илми билан халқ орасида обрў қозонган шахс. 22. Объектив борлиқ.

Чапга: 2. Овқатнинг иккинчи номи. 4 Музика ёзуви. 5. Тасдиқлаш. 7. Олий ўқув юртига кирувчи. 8. Ип мато. 11. Ўзбек кимёгари, профессор. 13. Озодлик ороли. 14. Коми АССРдаги шаҳар. 15. Ўзбек шоири, шоир Маҳмурнинг отаси. 18. Ҳинд транспорт воситаси. 19. Қурилиш материали. 20. Буғ қозонларида ҳосил бўлувчи қоллиқ.

Унга: 1. Украина ССР таркибидаги ярим орол. 3. Рўзғор буюми. 6. Экваториал юлдуз туркуми. 7. Киши иштирокисиз бошқариш усули. 9. Ўтмишда, тиббиёт соҳасидан маълум илмга эга бўлган шахс. 10. «Пахтакор» футбол командасининг собиқ ҳужумчиси. 12. Туб сон. 15. Полимер елим. 16. Қўшиқ шакли. 17. РСФСРда яшовчи халқ. 19. Мева тури. 20. Қуёшнинг арабча номи.

Тузувчи: Ф. ҒАФУРОВ.

31 ИЮЛДАГИ ЧАЙНКРОССВОРДНИНГ ЖАВОБЛАРИ:

1 дан 17 гача: 1. Охундов. 2. Владивосток. 3. Кукриникс. 4. «Сантос». 5. Сурия. 6. Ямал. 7. Лондон. 8. Носорог. 9. Глобус. 10. «Соб». 11. Боту. 12. Унсин. 13. Нишолда. 14. Антонов. 15. Волга. 16. Азот. 17. Токио.

18 дан 29 гача: 18. Олмош. 19. Шоир. 20. Рона. 21. Асо. 22. «Одина». 23. Агроном. 24. Мушук. 25. Какку. 26. Урания. 27. Ямайка. 28. Арк. 29. Коломбо.

* * *

«Шанба оқшоми» саҳифасидаги кроссвордларга М. Обидов, Т. Алимов, Д. Обидова, М. Зуфаров, Ш. Нуъмонов, М. Ёкубова, И. Мирзаев, Б. Отахонов, К. Шарипова ва бошқа ўртоқлар тўғри жавоб ёзиб юборишган. Хат йўллаган оқшомхонларга редакция ташаккур изҳор этади.

ТО СПРАВКАЛАР БЮРОСИ

ХАТЛАРГА ЖАВОБ БЕРАМИЗ

С. АЛИЕВА: Институтда сиртдан ўқийман. Яқинда менн имтиҳон сессиясига чақиришди. Ишхонамдаги бухгалтерлар бериладиган отпуска учун иш ҳақингизнинг 50 процентини тўлаймиз дейишди. Шу тўғрими?

Жавоб: Нотўғри. Белгиланган тартибга кўра олий ўқув юртларида сиртдан таълим олаётган студентларга иш ҳақи қанчалигидан қатъий назар ўқув отпускаси учун 100 сўм, техникумларда сиртдан таълим олаётганларга 80 сўм миқдорида ҳақ тўланади.

* * *

Қ. ҚОРАХОНОВ: Автобазада шофёр бўлиб ишлайман. Яқинда навбатдаги меҳнат отпускасига чиқдим. Ўзим меҳнат қилаётган машинани бошқа шофёрга топширдим. Отпускадан қайтганимдан кейин шу машинани беришларини талаб қилишга ҳаққим борми?

Жавоб: Корхона ва ташкилотлардаги автомашиналар давлат мулки ҳисобланади. Шу боисдан ҳам улардан қачон ва қандай фойдаланиш масаласини ҳал қилиш корхона маъмуриятига юкланган. Бинобарин, отпускадан қайтганингиздан кейин бош инженер кўрсатмасига кўра бош механик Сизга аввал ўзингиз ишлаган машинани ёки бошқасини ҳам бериши мумкин.

* * *

Б. СОБИРОВ: Ўқишга кираётган вақтимда ишхонамдаги кадрлар бўлимидан нусха кўчириш учун меҳнат дафтарчамни олган эдим. Уни йўқотиб қўйдим. Уни қандай тиклашим мумкин?

Жавоб: Белгиланган тартибга кўра меҳнат дафтарчаси ёки унинг иловасини йўқотиб қўйган киши бу ҳақда ўзи меҳнат қилаётган корхона, муассаса ёки ташкилот маъмуриятини хабардор қилиши керак.

Ариза берилганидан кейин 15 кундан кечиктирмай маъмурият унга янги меҳнат дафтарчаси тўлдиради, унинг биринчи саҳифаси ўнг томон юқори бурчагига «Дубликат» деб ёзиб қўяди.

Меҳнат дафтарчасининг дубликати умумий қоидалар асосида тўлдирилади. Уни тўлдириш вақтида «Иши тўғрисидаги маълумотлар» ва «Тақдирлаш ва мукофотлаш тўғрисидаги маълумотлари» бўлимларига иш жойидаги вазифаси, тақдирланишлари ва олган мукофотлари буйруқлар ва фармойишлар асосида ёзилади.

Табиий офат ёки бошқа сабабларга кўра корхона, муассаса ёки ташкилот меҳнат дафтарчасини йўқотиб қўйган тақдирда меҳнат дафтарчасининг эгасига қиймати ундириб олинмасдан дубликат берилади.

* * *

С. ЖЎРАЕВ: Эшитишимча Тошкентда футбол секцияси бор экан. У қаерда жойлашган?

Жавоб: «Меҳнат резервлари» кўнгилли спорт жамиятида спортнинг бошқа турлари қатори футбол сирларини ҳам ўргатиш мумкин. Секция ўсмирларга мўлжалланган. Жамият биноси Волгоград кўчасидаги 81-уйда жойлашган.

* * *

Ш. РУСТАМОВА: ДОСААФнинг ўқ отиш тири қаерда жойлашган? Иложи бўлса шу саволга жавоб берсангиз.

Жавоб: Тошкент шаҳар ДОСААФ комитетининг ўқ отиш тири Новомосковская кўчасининг 2-Пушкин кўчасида жойлашган. У ерга Дарҳон бекати орқали борилади.

Врач: — Сизга нима бўлди?

Баднафс: — Чанқовбосдига 2 та тарвуз егандим.

— Ҳеч қайси асбоб иш бермапти, энди мана бунисини ишлатиб кўрайлик.

— «Украинча» борщч заказ қилганмидингиз, марҳамат.

— Ҳа! Украинанинг бунақа олислигини билмагандим.

— Ўзинг қуёшда жизғинак бўлиб кетдинг шекилли, Ҳалимвой?

— Ҳеч гап эмас, хўжайин, ишда қуйиб-пишиб ишлаб чиниқиб кетганман.

А. Ҳолиқов расмлари.

Редактор
Ш.О.УБАЙДУЛЛАЕВ

3 ТОШКЕНТ оқшоми
бет

7 АВГУСТ, 1982 й.

ТЕЛЕВИДЕНИЕ

Ҳафталик программа

9 АВГУСТ — ДУШАНБА

Марказий телевидениенинг «Восток» программаси

9.00 «Время». 9.40 «Киносаёҳатчилар клуби». 10.40 «Менинг мулойим ва майин жониворим». Бадиий фильм. 12.25 Янгиликлар. 15.00 Янгиликлар. 15.20 «Инсон ер хўжайини». Кўрсатувни «Известия» газетасининг шарҳловчиси А. З. Ивашенко олиб боради. 16.30 Ҳиндистон артистларининг концерти. 17.15 «Бил ва уддала». Мактаб ўқувчилари учун илмий-ўқув программаси. Кўрсатувни Совет Иттифоқи Қаҳрамони, СССР космонавт учувчиси В. Д. Зудов олиб боради.

18.00 «Ўсмирлар ижоди». Марказий телевидение ва Бутуниттифоқ радиоси болалар катта хорининг концерти. 18.30 «Расмларда қуёш акси бор». 18.45 «Сиз яратган боғ». 19.15 «Пластилиндан ясалган қарға». Мультфильм. 19.25 «Партия планлари — халқ планлари». Котласс целлюлоза-қоғоз комбинатининг иш тажрибасидан. Кўрсатувда СССР ўрмон, целлюлоза-қоғоз ва ёғочни қайта ишлаш саноати министри М. И. Бусигин иштирок этади. 19.55 «Футбол шарҳи». 20.25 «Қирғоқлар». Кўп серияли телевизион бадиий фильм. 4-серия. 21.30 «Время». 22.05 «Давримиз образи». Владивостокда ўтказилган III Бутуниттифоқ ҳужжатли фильмлар фестивали якунларига доир. 23.05 Владимир область филармонияси «Русь» ансамблининг концерти. 23.35 «Дунё воқеалари».

Марказий телевидениенинг иккинчи программаси

9.00 Эрталабки гимнастика. 9.15 «Карпат узра қўшиқ парвоз қилади». Львовдан олиб кўрсатилади. 9.45 «Будильник». 10.15 «Қизил китоб нималар ҳақида ҳикоя қилди?». 10.45 Ўзбекистон телевидениеси ва радиоси камер оркестрининг концерти. Тошкентдан олиб кўрсатилади. 11.15 «Ўрмондаги агроцехлар». Ҳужжатли фильм. 12.00 «Фан оламида». 12.30 Болалар учун фильм. «Жиддий ўйин». 13.45 «Галина Шляпина рақсга тушади». Фильм-концерт премьераси. 14.10 Шахмат мактаби. 14.40 «Нотаниш меросхўр». Бадиий фильм. 16.00 «Поэзия», Михаил Луконин. 16.50 Янгиликлар.

18.30 Янгиликлар. 18.45 «Совет Иттифоқига хизмат қиламан!». 19.45 «Халқаро панорама». 20.30 «Тунингиз хайрли бўлсин, кичкинтойлар». 20.45 «Қўшиқ билан суҳбат». Горькийдан олиб кўрсатилади. 21.30 «Время». 22.05 «Қадрдон чўллар». Телевизион бадиий фильм премьераси.

Ўзбекистон телевидениесининг программаси

I

18.00 Кўрсатувлар программаси. 18.05 «Мен қизил ўрмон расмини чизаман», «Чигирек». Қўғирчоқ фильмлар. 18.30 Болалар учун «Қувноқлар даврасида». 19.00 «Ёшлик» студияси кўрсатади. «Ватанга сидқидилдан хизмат қилайлик». (рус.). 19.30 Ахборот». 19.45 «Партия турмуши». «Коммунистик тарбияга комплекс ёндошиш». (Жарқўрғон район партия комитетининг тажрибасидан). 20.15 Катталар учун мультфильм. 20.30 «Ахборот». 20.50 «Қўшиқ билан учрашув». Композитор Э. Солиҳов (рус.). 21.30 Москва. «Время». 22.05 «Бугун оламда нима гап?». Халқаро аҳвол кундалиги. 22.20 «Қилич ва қалқон». Кўп серияли бадиий фильм. 1-серия. 23.40 Янгиликлар.

II

18.15 Кўрсатувлар программаси. 18.20 «Шеърият дафтаридан». 18.55 «Итальянлар билан бирга меҳмонга таклиф этилган кеча». Фильм-спектакль (рус.). 20.00 Янгиликлар. 20.20 «Ер ва одамлар». Кинопрограмма. 21.30 МТ II.

10 АВГУСТ — СЕШАНБА

Марказий телевидениенинг «Восток» программаси

9.00 «Время». 9.40 Мультфильмлар программаси: «Бу қандай қушлар?», «Дима йўлга отланади», «Деярли рўйи-рост воқеа». 10.20 «Энергетика уфқлари». Телевизион ҳужжатли фильм. 11.10 «Қирғоқлар». Кўп серияли телевизион бадиий фильм. 4-серия. 12.15 Янгиликлар. 15.00 Янгиликлар. 15.20 «80-йиллар коммунистлари». Телевизион ҳужжатли фильмлар программаси. 17.15 Болалар учун фильм. «Ҳайвон ўргатувчилар». 1-, 2- ва 3-сериялар. 17.35 Эстония Давлат академик театри солистларининг концерти.

18.15 «Эквадор бўйлаб». Кинопрограмма. 18.30 «Фан оламида». 19.00 «Қувноқ поталар». 19.15 «Дунё воқеалари». 19.30 «СССР халқ артисти М. Ульянов А. Пушкиннинг «Евгений Онегин» романининг биринчи бобини ўқийди». Фильм-концерт премьераси. 20.25 «Қирғоқлар». Кўп серияли телевизион бадиий фильм. 5-серия. 21.30 «Время». 22.00 «Таниш оҳанглар». Концерт. 22.55 «Дунё воқеалари». 23.10 «Театр ҳақида ҳикоялар».

Марказий телевидениенинг иккинчи программаси

9.00 Эрталабки гимнастика. 9.20 «Ҳеч қачон дея гапирма». Илмий-оммабоп фильм. 9.40 «Қадрдон чўллар» Телевизион бадиий фильм. 10.45 «Олтин элакча». Рига шаҳридаги ВЭФ санъат саройи болалар хореографик коллективи ижросида музикали эртак. 11.15 «Қиролича — тиш чўткаси», «Қувноқ карусель». Мультфильмлар. 11.45 «Ҳунар-техника билим юртларида нимага ва қандай қилиб ўргатишади?». 12.15 А. Пластов ижоди. 12.45 Болалар учун фильм. «Веснухин фантазиялари». 1-серия. 13.50 «Севимли шеърлар». 14.20 «Балиқчи бахти». Ҳужжатли фильм премьераси. 15.10 Адигей «Нальмас» Давлат рақс ансамблининг концерти. 15.55 Француз тили. 16.25 «Яхши кайфият». Концерт. 16.50 Янгиликлар.

18.30 Янгиликлар. 18.50 «Антиқликка саёҳат». Илмий-оммабоп фильм. 19.00 «Жасорат». Кўрсатувда Совет Иттифоқи Қаҳрамони, ёзувчи В. В. Карпов иштирок этади. 19.30 «Сен ва бошқалар». Телевизион ҳужжатли фильм. 20.00 Спорт ҳафталиги. 20.30 «Тунингиз хайрли бўлсин, кичкинтойлар». 20.45 «Хатларингиз асосида». Қурувчилар учун музикали программа. 21.30 «Время». 22.05 «Узоқ бахтли ҳаёт». Бадиий фильм.

Ўзбекистон телевидениесининг программаси

I

18.00 Кўрсатувлар программаси. 18.05 «Энг каттаси». Мультфильм. 18.25 Мактаб ўқувчилари учун. «Бирга бўлсак ҳаммамиз» (рус.). 18.55 КПСС Марказий Комитети май (1982 йил) Пленуми қарорлари — ҳаётга!». «Қуруқ мевалар заводлари — агросаноат комплекси зарбдор қурилиши». 19.30 «Ахборот» (рус.). 19.45 «Ижод гулшани». Кўрсатувни Ҳамза номли Ўзбекистон ССР Давлат мукофотининг лауреати, шоир А. Орипов олиб боради. 20.30 «Ахборот». 20.50 «Қизлар гулдастаси». Концерт. 21.30 Москва «Время». 22.00 «Икки миллион тонна қаҳрабо дон» учун 22.20 «Қилич ва қалқон». Кўп серияли бадиий фильм. 2-серия. 24.00 Янгиликлар.

II

18.15 Кўрсатувлар программаси. 18.20 «Қудуқ олдида». Телевизион бадиий фильм (рус.). 19.05 Реклама 19.20 Балет шинавандаларига. 20.00 Янгиликлар. 20.20 «Эртага — премьера». Кинокўрсатув (такрорий). 21.30 МТ II.

11 АВГУСТ — ЧОРШАНБА

Марказий телевидениенинг «Восток» программаси

9.00 «Время». 9.40 «Ҳайвонот оламида». 10.40 «Овозлар ва бўёқлар». Фильм-концерт. 12.10 «Қирғоқлар». Кўп серияли телевизион бадиий фильм. 5-серия. 12.15 Янгиликлар. 15.00 Янгиликлар. 15.20 «Ягона оилада». Телевизион ҳужжатли фильмлар программаси. 16.15 Болалар учун фильм. «Ҳайвон ўргатувчилар». 4- ва 5-сериялар. 17.00 «Горичилар, қаердасиз». 17.35 В. В. Маяковский. «Шеър қандай ёзилади».

18.15 «Ёшлар адреслари». 19.15 «Дунё воқеалари». 19.30 «Инсон ва қонун». 20.00 Ростов-Дон шаҳар камер хорининг концерти. 20.20 «Қирғоқлар». Кўп серияли телевизион бадиий фильм. 6-серия. 21.30 «Время». 22.05 «Катталар учун контроль иш». 4-кўрсатув. 22.55 «Дунё воқеалари». 23.10 Л. Минкус. «Пахита» балетидан дивертисмент.

Марказий телевидениенинг иккинчи программаси

9.00 Эрталабки гимнастика. 9.20 «Онг сирлари». Илмий-оммабоп фильм. 9.45 «Узоқ бахтли ҳаёт». Бадиий фильм. 11.00 «Сариқ тумшуқли Пики», «Сирли сайёра». Мультфильмлар. 11.30 М. Раухвергернинг «Қизил шапкача» операси. Москва Давлат болалар музика театри артистлари ижросида. 12.50 Болалар учун фильм. «Веснухин фантазиялари». 2-серия. 14.00 Немис тили. 14.30 Бутунроссия конкурси лауреати А. Фраучи (гитара) ижро этади. 14.50 «Минус дефицит». Телевизион ҳужжатли фильм (Тошкент). 15.20 К. Тренев. «Любовь Яровая». 16.10 Чувашистон АССР Давлат ашула ва рақс ансамблининг концерти. 16.50 Янгиликлар.

18.30 Янгиликлар. 18.50 «Киев Руси билан учрашув». Киножурнал. «Қурилиш ва архитектура». Телевизион ҳужжатли фильм премьераси». 19.30 «Қишлоқ янгиликлари». 20.30 «Тунингиз хайрли бўлсин, кичкинтойлар». 20.45 Бутунроссия конкурси лауреати Ш. Амиров (балалайка) ижро этади. 21.10 «Безовта Америка ҳақида репортаж». Телевизион ҳужжатли фильм. Автор — В. Зорин. 21.30 «Время». 22.05 «Музикали воқеа». Бадиий фильм.

Ўзбекистон телевидениесининг программаси

I

11.25 Кўрсатувлар программаси. 11.30 «Мактаб манзаралари». Болалар учун фильм-концерт. 12.00 «Қилич ва қалқон». Кўп серияли бадиий фильм. 1-серия.

18.00 Кўрсатувлар программаси. 18.05 Болалар учун фильм «Салом». 18.30 Мактаб ўқувчилари учун. «Қувноқ пионер ёзи». 19.00 СССР ташкил топганлигининг 60 йиллигига. «Дўстлик камалаги». Кинопрограмма 19.30 «Ахборот». (рус.). 19.45 КПСС XXVI съезди қарорлари — ҳаётга!. «Шаҳарсозлик комплекс муаммолари». Кўрсатувни Ўзбекистон ССР «Госстрой»и раисининг ўринбосари Д. В. Латипов олиб боради (рус.). 20.30 «Ахборот». 20.50 Ўзбекистон телевидениеси ва радиоси камер оркестрининг концерти. 21.30 Москва. «Время». 22.05 «Бугун оламда нима гап », Халқаро аҳвол кундалиги. 22.20 «Қилич ва қалқон». Кўп серияли бадиий фильм. 3-серия. 23.35 Янгиликлар.

II

18.15 Кўрсатувлар программаси. 18.20 Болалар учун фильм. «Чопқир олов». 18.50 «Ереван» Телевизион ҳужжатли фильм. 19.15 «Халқ фаровонлиги йўлида» (рус.). 19.45 «Ғалаба». Телевизион фильм. 20.00 Янгиликлар. 20.20 «Виждон азоби». Бадиий фильм. 21.30 МТ II.

12 АВГУСТ — ПАЙШАНБА

Марказий телевидениенинг «Восток» программаси

9.00 «Время». 9.40 «Бодрингча саргузашти». «Уч банан». Мультфильмлар. 10.05 Октябрь революцияси номидаги Москва музикали билим юрти баянчилар оркестрининг концерти. 10.30 «Училищга рухсат берилади». Телевизион ҳужжатли фильм премьераси. 10.55 «Қирғоқлар». Кўп серияли телевизион бадиий фильм. 6-серия. 12.05 Ишлаб чиқариш гимнастикаси. 12.35 Янгиликлар. 15.00 Янгиликлар. 15.20 «Сибирь ва Узоқ Шарқ бўйлаб». Ҳужжатли фильмлар программаси. 16.00 Болалар учун фильм. «Ҳайвон ўргатувчилар». 6- ва 7-сериялар. 16.55 Рус тили. 17.25 СССР билан ГФР ўртасида Шартнома имзоланганлигининг йиллигига бағишланган ҳужжатли фильмлар программаси: «СССР — ГФР ҳамкорлиги», «Тинчлик ва дўстлик поезди».

18.05 Тожикистон ССР «Дўсти» ашула ва рақс ансамблининг концерти. 18.35 «Брянск йўллари». Қишлоқ йўллари қурилиши тажрибасидан. Кўрсатувда КПСС Брянск область партия комитетининг биринчи секретари Е. И. Сизенко иштирок этади. 19.05 «Вася Буслик ва унинг дўстлари». Мультфильм. 19.15 «Дунё воқеалари». 19.30 «Алоҳида ғамхўрлик». «Жойида ҳал қилинади» туркумидан телевизион ҳужжатли фильм премьераси. 20.25 «Қирғоқлар». Кўп серияли телевизион бадиий фильм. 7-серия. 21.30 «Время». 22.05 РСФСР халқ артисти композитор Я. Френкелнинг авторлик кечаси. 23.25 «Дунё воқеалари».

Марказий телевидениенинг иккинчи программаси

9.00 Эрталабки гимнастика. 9.20 Атеизм ҳақидаги илмий-оммабоп фильмлар программаси: «Ўзингни кашф қил», «Таврот. Тахмин ва фактлар». 9.40 «Музикали воқеа». Бадиий фильм. 11.00 «Горичилар, қаердасиз!». 11.30 «Ҳаммаси тескарисига», «Илон Гориничнинг сўнгги қайлиғи». Мультфильмлар. 12.00 Испан тили. 12.30 Мари АССР санъат усталари ва бадиий коллективлари концерти. 13.15 «Сиз яратган боғ». 13.45 «Шаҳзода Флоризелнинг саргузаштлари». Бадиий фильм (субтитр билан). 1-серия. 14.50 «Куйдаги поэзия». 15.50 «Ота-оналар, Сизлар учун». 16.20 С. Барсуков. «900 кун». Уч қисмли симфоник манзара. 16.50 Янгиликлар.

18.30 Янгиликлар. 18.50 Останкино концерт студиясида СССР халқ артисти Г. Товстоногов билан учрашув. 20.30 «Тунингиз хайрли бўлсин, кичкинтойлар». 20.45 «Серенада». Музикали адабий композиция. 21.30 «Время». 22.05 «Ўйлаш учун уч кун». Бадиий фильм. 1- ва 2-сериялар.

Ўзбекистон телевидениесининг программаси

I

11.25 Кўрсатувлар программаси. 11.30 «До-ре-ми-фа-соль». Мактаб ўқувчилари учун музикали ўқув программаси (такрорий). 12.00 СССР ташкил топганлигининг 60 йиллигига «Советлар мамлакатининг кишилари». Кинопрограмма. 13.00 «Қилич ва қалқон». Кўп серияли бадиий фильм. 2-серия.

18.00 Кўрсатувлар программаси. 18.05 «Иранинг кундалиги». Болалар учун кинофильм. 18.20 «Спорт, спорт, спорт». Кинопрограмма. 19.00 «Ташаббускорлар ўз сўзларининг устидан чиқмоқдалар». Ўзбекистон ССР Олий Советининг депутати, комплекс қурилиш бригадаси бошлиғи Н. Қўчқоров билан учрашув. 19.30 «Ахборот» (рус.). 19.45 «Адабий альманах». 20.30 «Ахборот». 20.50 Н. Исоқов ва М. Орипов концерти. 21.30 Москва. «Время». 22.05 «Мустаҳкам озуқа базаси учун». 22.25 «Қилич ва қалқон». Кўп серияли бадиий фильм. 4-серия. 23.35 Янгиликлар.

II

18.15 Кўрсатувлар программаси. 18.20 «Красноярь ёшлиги». Фильм-концерт. 18.35 «Сенинг остонанг олдида». Телеспектакль 20.00 Янгиликлар. 20.20 «Рекорд». Телевизион бадиий фильм (рус.). 21.30 МТ II.

13 АВГУСТ — ЖУМА

Марказий телевидениенинг «Восток» программаси

9.00 «Время». 9.40 Ҳужжатли фильмлар программаси. 10.35 Балет ёш артистларининг концерти. 11.10 «Қирғоқлар». Кўп серияли телевизион бадиий фильм. 7-серия. 12.15 Янгиликлар. 15.00 Янгиликлар. 15.15 «Озиқ-овқат программаси — умумхалқ иши». Ҳужжатли фильмлар программаси. 15.55 «Сен қонунни биласанми?». 16.25 К. Стиценко (скрипка) ижро этади. Львовдан олиб кўрсатилади. 17.35 «Жаҳон халқларининг ижоди». (Ҳиндистон). 17.55 «Асли болаликдан». В. Крапивин. 18.05 Шахмат мактаби. 18.35 «Москва ва москваликлар». 19.05 «Ҳамма нарсани билишни истайман». 19.15 Дунё воқеалари». 19.30 «Биргаликда аҳил оиламиз». 19.55 «Рассомлар ҳақида ҳикоялар». Совет плакати усталари. 20.25 «Далалар юлдузи». Фильм-концерт премьераси. РСФСР халқ артисти А. Покровский Н. Рубцов шеърларини ижро этади. 21.30 «Время». 22.05 «Сўнгги десант». Ҳужжатли фильм. 22.15 Футбол бўйича СССР чемпионати. «Динамо» (Тбилиси) — МАСК. Тбилисидан олиб кўрсатилади. 24.00 «Дунё воқеалари».

Марказий телевидениенинг иккинчи программаси

9.00 Эрталабки гимнастика. 9.20 Илмий-оммабоп фильмлар программаси: «Юввош ҳайвонлар. Ёввойи ўтлар». «Тупроқ ва ўсимлик карталари». 9.45 «Фақат ороли билан олиб кетма». Телевизион бадиий фильм. 10.50 Инглиз тили. 11.20 «Қўшиқларимиз парвоз эт». 12.20 «Ўйлаш учун уч кун». Телевизион бадиий фильм премьераси. 1-ва 2-сериялар. 14.35 Рус тили. 15.05 П. И. Чайковский номидаги VII Халқаро конкурс. Якунловчи кўрсатув. 16.20 А. М. Горький. «Она». 16.50 Янгиликлар

18.30 Янгиликлар. 18.45 Мамлакат телевидение студиялари ҳужжатли фильмлари программаси: «Дизайнерлар». (Пермь). «Афшона — Абу Али ибн Сино ватани» (Тошкент) «Шоир Мирсаид Миршакар» (Душанба). 19.30 «Киносаёҳатчилар клуби». 20.30 «Тунингиз хайрли бўлсин, кичкинтойлар». 20.45 Е. Сапогова куйлайди. Свердловскдан олиб кўрсатилади. 21.30 «Время». 22.05 «Қизлар — оналар». Бадиий фильм.

Ўзбекистон телевидениесининг программаси

I

11.25 Кўрсатувлар программаси. 11.30 Болалар учун. «Қўшиғим, жон қўшиғим». 12.10 «Қилич ва қалқон». Кўп серияли бадиий фильм. 3-серия. 13.20 «Замандаш» қишлоқ хўжалик ходимлари учун кўрсатув (қозоқ тилида). 18.00 Кўрсатувлар программаси. 18.05 «Ўғирланган ой». «Яшил ҳаподри». Мультфильмлар. 18.30 «Кооператив қурилиши ҳозирги босқичда». 19.00 «Ахборот» (рус.). 19.15 «Терракота табассуми». Телевизион фильм. 19.30 Футбол бўйича СССР чемпионати. «Пахтакор» — «Днепр» (Днепропетровск) «Пахтакор» Марказий стадионидан олиб кўрсатилади. Танаффус пайтида — «Ахборот» 21.15 «Ноз-неъмат бунёдкорлари». 21.30 Москва. «Время». 22.05 «Дунё воқеалари». 22.35 «Ёшлик» студияси кўрсатади. «София — Тошкент» интернационал дўстлик клуби».

II

18.20 Кўрсатувлар программаси. 18.25 «Серенада». Телевизион фильм. 18.50 «Транспорт ва йўловчи». 19.20 СССР ташкил топганлигининг 60 йиллигига. «Дўстлик қўшиқлари». 19.50 Янгиликлар. 20.10 «Тренер». Бадиий фильм. (рус.). 21.30 МТ II.

14 АВГУСТ — ШАНБА

Физкультурачилар куни

Марказий телевидениенинг «Восток» программаси

9.00 «Время». 9.40 Ҳужжатли фильмлар программаси. 10.20 «Чашмалар». Кўрсатувни СССР халқ артисти Н. Мешко олиб боради. 10.50 «Ота-оналар, Сизлар учун». 11.20 «Спортлото»нинг 33. тиражи. 11.30 «Кўплаб сифатли товарлар етказиб берайлик». 12.00 СССР ташкил топганлигининг 60 йиллигига. Қирғизистон ССР Давлат рақс ансамблининг концерти. 12.30 «Ғолиблар». Фронтдош дўстлар клуби. 16.хаво армияси ветеранларининг учрашуви. 13.55 «Дўстимиз — Ҳиндистон». 14.45 СССР халқ артисти М. Биешу совет композиторларининг қўшиқларини ижро этади. 15.00 «Дунё воқеалари». 15.15 «Мартин 13». Телевизион бадиий фильм премьераси. (ГДР). 16.45 Бугун — физкультурачилар куни. СССР Министрлар Совети ҳузуридаги физкультура ва Спорт Комитетининг раиси С. П. Павлов сўзи. 16.55 «Стадион ҳамма учун». 17.25 «Мўъжизасиз-мўъжизалар». 18.25 Сиёсий шарҳловчи В. П. Бекетов суҳбати. 18,55 «Бир, икки — аҳил». Мультфильм. 19.05 «Ҳамдўстлик» телевизион журнали. 19.35 «Муҳаббатим, менинг, спорт». Концерт. 20.25 «Қариндошлар». В. Маяковский номидаги Москва академик театри фильм-спектаклининг премьераси. 21.30 «Время». 22.05 «Қариндошлар». Фильм-спектаклининг давоми. 22.55 Чет эл эстрадасининг куй ва оҳанглари. Ш. Азнавур куйлайди (Франция). 23.45 Янгиликлар.

Марказий телевидениенинг иккинчи программаси

9.00 Эрталабки гимнастика. 9.15 «Агар соғлом бўлай десанг». 9.25 Бах — Бузони. «Чакона». Халқаро конкурс лауреати М. Плетнёв. (фортепьяно) ижро этади. 9.45 «Қизлар-оналар». Бадиий фильм. 11.20 «Тонгги почта». Музикали программа. 11.50 Физкультурачилар кунига бағишланган ҳужжатли фильмлар программаси. 12.10 «Орлёнок» телестудиясининг концерт зали. 13.30 «Ҳужжатли экран». 14.40 Бошқирдистон АССР Давлат рақс ансамблининг концерти. 15.15 «Музикали киоск». 15.45 М. Шолохов. «Дон ҳикоялари». 16.15 РСФСРда хизмат кўрсатган артист. Воронеж опера ва балет театрининг солисти Л. Кондратенко куйлайди. Воронеждан олиб кўрсатилади. 16.45 Кемерово телевидение студиясининг программаси. 17.40 «Халқаро обзор». 17.55 Улуғ Октябрнинг 65 йиллигига. «Бизнинг биография». 1952 йил. 18.45 Т. Хренников. Учинчи симфония. 19.00 «Кинопанорама». 20.30 «Тунингиз хайрли бўлсин, кичкинтойлар». 20.45 «Здоровье». 21.30 «Время». 22.05 «Енгил сув». Телевизион бадиий фильм.

Ўзбекистон телевидениесининг программаси

I

9.55 Кўрсатувлар программаси. 10.00 Янгиликлар. 10.10 «Пионер ёзи». Болалар учун фильм-концерт. 10.40 Мактаб ўқувчилари учун. «Светофор». 11.20 «Қилич ва қалқон». Кўп серияли бадиий фильм. 4-серия. 12.30 «Чет эллик меҳмонлар Ўзбекистон ҳақида». 13.00 «Кино оламида». 14.10 «Миллионлар байрами». Физкультурачилар кунига бағишланган кўрсатув.

18.00 Кўрсатувлар программаси. 18.05 «Мен, сен ва мультик». 19.00 Болалар учун. «Юлдузча». 19.30 «Ахборот». (рус.). 19.45 «Оламга саёҳат». Кино кўрсатув. 20.30 «Ахборот». 20.50 «Ёшлар куйлаганда». Концерт 21.30 Москва. «Время». 22.05 «Қорақалпоғистоннинг шолипояларида». 22.25 Телевидение экранида биринчи марта. «Қайта туғилган туйғу». Бадиий фильм. 23.55 Кўрсатувлар программаси.

Тожикистон телевидениесининг программаси.

18.00 Кўрсатувлар программаси. 18.05 Болалар учун «Қуёш, ҳаво ва сув — бизнинг энг яхши дўстларимиз». 19.00 Янгиликлар. 19.20 «Урал ёзининг инъомлари». Ҳужжатли фильм. 19.30 «Китоб ва китобхон». 20.00 «Ахбор». 20.25 «Бўстон — II». Республика телевизион халқ ижодиёти конкурси. 21.30 МТ II.

15 АВГУСТ — ЯКШАНБА

СССР Ҳаво флоти куни

Марказий телевидениенинг «Восток» программаси

9.00 «Время». 9.40 «Ўн йилдан сўнг». Украина ССР халқ артисти С. Ротару, Украина ССРда хизмат кўрсатган артистлар Н. Яренчук ва В. Зинкевичлар иштирокида фильм-концерт. 10.00 «Будильник». 10.30 «Совет Иттифоқига хизмат қиламан». 11.30 «Здоровье». 12.15 «Тонгги почта». музикали программаси. 12.45 «Совет Иттифоқи чет эллик меҳмонлар нигоҳи билан». 13.00 «Қишлоқ янгиликлари». 14.00 «Музикали киоск». 14.30 «Ҳужжатли экран». Киноилова. 15.20 СССР халқ артисти С. Образцов раҳбарлигидаги Давлат академик Марказий қўғирчоқ театрининг фильм-спектакли. 16.35 «Киносаёҳатчилар клуби». 17.35 «Охирги станцияда тушаман». Телевизион ҳужжатли фильм премьераси. 18.10 Ратиборнинг болалиги. Мультфильм. 18.30 «Халқаро панорама». 19.15 «Бугун — СССР Ҳаво флоти куни». СССР Мудофаа министрининг ўринбосари. Ҳарбий Ҳаво Кучлари Бош қўмондони. Совет Иттифоқи Қаҳрамони, авиация Бош маршали П. С. Кутаховнинг чиқиши. 19.30 СССР Ҳаво Флоти кунига бағишланган концерт. 20.10 «Болали квартира ижарага берилади». Бадиий фильм. 21.30 «Время». 22.05 «Футбол шарҳи». 22.35 Классик оперетта кечаси. Ижрочилар — СССР халқ артисти Е. Образцова ва Халқаро конкурс лауреати И. Морозов. 23.40 Янгиликлар.

Марказий телевидениенинг иккинчи программаси

9.00 «Зарядкага сафланинг!» 9.20 СССР Ҳаво Флоти кунига бағишланган ҳужжатли фильмлар программаси. 9.50 «Енгил сув». Телевизион бадиий фильм. 11.00 «Халқ оҳанглари». 11.15 «Ҳайвонот оламида». 12.15 Болалар учун фильм, «Трубачёв отряди жанг қилади». 13.45 «Ҳаракат хавфсизлиги учун». 14.15 Футбол бўйича СССР чемпионати. «Спартак» — «Шахтёр». В. И. Ленин номидаги Марказий стадиондан олиб кўрсатилади. 15.45 «Мухбирларимиз ҳикоя қиладилар». 16.15 Улуғ Октябрнинг 65 йиллигига. «Бизнинг биография». 1953 йил. 17.10 Доғистон АССР санъат усталари ва бадиий коллективларининг концерти. 18.10 «Талант». Кўп серияли телевизион бадиий фильм. 3-серия. «Кичик чизмачи». 19.20 «Тарих суди». Ҳозирги замон капитализмининг милитаристик моҳияти ҳақида телевизион ҳужжатли фильм. 20.10 «Кечки концерт». Ленинграддан олиб кўрсатилади. 20.30 «Тунингиз хайрли бўлсин, кичкинтойлар». 20.45 С. Туликов қўшиқлари СССР халқ артисти Д. Гнатюк ижро этади. 20.55 П. И. Чайковский номли VII Халқаро конкурс жюри аъзоларининг чиқиши. 21.30 «Время». 22.05 «Отамни қандай қилиб қайта тарбияладик». Телевизион бадиий фильм. (ЧССР).

Ўзбекистон телевидениесининг программаси

I

9.55 Кўрсатувлар программаси. 10.00 Янгиликлар. 10.10 СССР ташкил топганлигининг 60 йиллигига. «Даврамизга марҳабо». Қорақалпоғистон АССР ва Ўзбекистон областлари бадиий ҳаваскорлик коллективларининг телевизион фестивали. Экранда — Андижон области (такрорий). 12.50 Мактаб ўқувчилари учун. «Қувноқ стартлар». 18.40 «Бугун — СССР Ҳаво Флоти «Осмон заҳматкашлари». «Самодаги дастхат». Телевизион фильмлар. 14.40 Болалар учун. Мультипанорама. 15.30 Реклама.

17.55 Кўрсатувлар программаси. 18.00 «Саҳий фил ҳақида эртак». Мультфильм. 18.10 Болалар учун. «Ўйлаб топ». (рус.). 18.40 «Бугун — СССР Ҳаво Флоти куни» Ҳарбий Совет аъзоси, Қизил байроқли Туркистон Ҳарбий округи Ҳарбий Ҳаво Кучлари сиёсий бўлимининг бошлиғи, авиация генерал-майори Ю. П. Селезнёв сўзи. 19.000 «Ота-оналар университети». 19.30 «Ахборот» (рус.). 19.45 «Қўшиқчи шоирлар». Эркин Воҳидов. 20.30 «Ахборот». 20.50 «Қўшиқчи шоирлар». Эркин Воҳидов (давоми). 21.30 Москва. «Время». 22.05 «Йиғим-терим техникаси шай бўлсин». Областларнинг телевизион йўқламаси. 22.25 «Училищга рухсат этинг». Бадиий фильм.

Қирғизистон телевидениесининг программаси

16.00 Кўрсатувлар программаси. 16.05 Экран — болаларга. 16.15 Қисқа метражли фильмлар программаси. 18.10 Чет эл эстрадаси оҳанглари. Клифф Ричард куйлайди. 18.50 Қишлоқ меҳнаткашлари учун концерт (қирғиз тилида). 19.30 «Анна ҳақида қисса». Тюмень область драма театрининг спектакли. 21.30 МТ II.

● РЕКЛАМА ● РЕКЛАМА ● РЕКЛАМА ● РЕКЛАМА

КИНО

7 АВГУСТДА:
БАДИИЙ ФИЛЬМЛАР:

«СЎНГГИ НАВБАТДА» — **Тошкент Советининг 50 йиллиги номли** (жуфт соатларда, телефон 78-47-25).

«ПОЛКОВНИК ШАЛИГИННИНГ КУТИШИ» — **ВЛКСМ 30 йиллиги номли** (жуфт соатларда, телефон 33-44-52).

«БИЗ ЕНМА-ЕН ЯШАР ЭДИК» — **Мир** (тоқ соатларда, телефон 91-08-30).

«МУТАХАССИСЛИК БЎЙИЧА КОНТРОЛЬ ИШ» — **Ғ. Ғулом номли** (17, 20.00, телефон 48-42-80), **Искра** (16, 18, 19.45, телефон 39-11-70).

«ОЛТИН ЖУНЛИ ҚЎЙЛАР» — **Лисунов номли** (тоқ соатларда, телефон 96-34-02).

«ОФИЦИАНТ, ҲАҚИНГИЗНИ ОЛИНГ» — **К. Ерматов номли** (тоқ ва жуфт соатларда, телефон 24-22-66), **Искра** (16, 18, 19.45, телефон 39-11-70).

8 АВГУСТДА
БАДИИЙ ФИЛЬМЛАР:

«СЎНГГИ НАВБАТДА» — **Тошкент Советининг 50 йиллиги номли** (жуфт соатларда, телефон 78-47-25).

«МЕН БУТУНЛАЙ КЕЛДИМ» — **С. Раҳимов номли** (18, 19.30, телефон 48-46-71), **Мир** (тоқ соатларда, телефон 91-08-30).

«ПОЛКОВНИК ШАЛИГИННИНГ КУТИШИ» — **ВЛКСМ 30 йиллиги номли** (жуфт соатларда, телефон 33-44-52).

«ОЛТИН ЖУНЛИ ҚЎЙЛАР» — **Лисунов номли** (тоқ соатларда, телефон 96-34-02).

«ОФИЦИАНТ, ҲАҚИНГИЗНИ ОЛИНГ» — **К. Ерматов номли** (тоқ ва жуфт соатларда, телефон 24-22-66), **Искра** (16, 18, 19.45, телефон 39-11-70).

Ўзбекистон ССР Қишлоқ қурилиши министрлиги Ишчилар таъминоти бошқармасига қарашли 6-ишчилар таъминоти бўлимининг йўқолган

ДУМАЛОҚ ПЕЧАТИ БЕКОР ҚИЛИНАДИ

129-техника билим юрти томонидан **Иқбол Турғунбоев** номига берилган 523760 номерли йўқолган

ДИПЛОМ
БЕКОР ҚИЛИНАДИ

Ўзбекистон ССР Ҳунар-техника таълими Давлат комитетининг
46-ТОШКЕНТ ШАҲАР КЕЧКИ СМЕНАЛИ
ҲУНАР-ТЕХНИКА БИЛИМ ЮРТИ
1982 — 83 ўқув йили учун
қуйидаги ихтисосликлар бўйича

ЎҚУВЧИЛАР ҚАБУЛ ҚИЛАДИ

Радиотелемеханик (бу группага пул тўлаб ўқилади, тугатиш ихтиёрий), **радио аппаратуралари ва асбоблари монтажчиси, радио аппаратураларини йиғувчи, почта юкларини ташиш оператори, почта вагони бошлиғининг ёрдамчиси. Стипендия — 60 сўм; телеграфчи, телефончи, шаҳар телефон тармоғи линия ва абонент қурилмалари электр монтёри, кабелчи-қалайловчи. Стипендия — 56 сўм.**

Телеграфчи ва телефончилик касбларига (қизлар) 17 ва **ундан катта ёшдаги 8 — 10 синф маълумотдаги: шаҳар телефон тармоғи линия ва абонент қурилмалари электромонтёри, кабелчи-қалайловчи, почта юкларини ташиш оператори ва почта вагонлари бошлиғининг ёрдамчиси ихтисосларига 17 ва ундан катта ёшдаги 8 — 10 синф маълумотдаги кишилар қабул қилинадилар.**

Билим юртига иккала жинсдаги шахслар қабул қилиниб, уларнинг Тошкент шаҳрида ва Тошкент областида пропискада туришлари шарт.

Телеграфчилар, линия ва абонент қурилмалари электр монтёрлари, кабелчи-қалайловчилар учун ўқиш муддати — 1 йил, почта юкларини ташиш операторлари, почта вагони бошлиғининг ёрдамчиси ва телефончи, радиоаппаратуралари ва асбоблари монтажчиси, радио аппаратураларини йиғувчилар учун ўқиш муддати — 6 ой.

Билим юртини тугатганлар база корхоналарига ишга юбориладилар.

Машғулотлар группаларнинг тўлишига қараб 1 сентябрда бошланади.

Ўқишга кириш учун қуйидаги ҳужжатлар зарур: билим юрти директори номига ариза, автобиография, яшаш жойи ва медицина (286-форма) справкалари, 4 та фотосурат (4x3 см.), маълумоти ҳақидаги ҳужжат.

Бизнинг адрес: 700015, Тошкент шаҳар, Ленин райони, «Кафанов кўчаси»; 2, 5-трамвайлар, 2, 3, 22, 55, 80-автобусларнинг «Госпиталь бозори» бекати). Телефон 56-58-87.

КРЕДИТГА СОТИБ ОЛИНГ!

«ТАШТЕКСТИЛЬШВЕЙТОРГ» МАГАЗИНЛАРИДА
баҳоси 100 сўм ва ундан ортиқ бўлган рўмоллар, аёлларнинг табиий қоракўлдан тикилган пальтолари
КРЕДИТГА СОТИЛМОҚДА
МАГАЗИНЛАРНИНГ АДРЕСЛАРИ:

1 — Ш. Руставели кўчаси, 13-уй.

10 — Олой бозори.

19 — Октябрь бозори.

28 — Госпиталь бозори.

34 — Октябрь бозори.

43 — Ленин проспекти, Марказ—5, 67-уй.

«Таштекстильшвейторг» магазинларига рўмол ва пальтоларни кредитга сотиб олиш учун ташриф буюринг.

«ТАШТЕКСТИЛЬШВЕЙТОРГ».

ЗАНГОРИ ЭКРАНДА

7 АВГУСТ — ШАНБА

Марказий телевидениенинг «Восток» программаси

18.00 Сиёсий шарҳловчи Л. А. Вознесенский суҳбати. 18.30 Мультфильмлар. 19.10 «Ёз». Кинолавҳа. 19.20 Останкино концерт студиясида кинорежиссёр С. А. Герасимов билан учрашув. 21.30 «Время». 22.05 Футбол бўйича СССР чемпионати. МАСК — «Спартак». «Динамо» Марказий стадионидан олиб кўрсатилади. 23.35 Янгиликлар.

Марказий телевидениенинг иккинчи программаси

19.20 Улуғ Октябрнинг 65 йиллигига. «Бизнинг биография». «1950 йил». 20.30 «Тунингиз хайрли бўлсин, кичкинтойлар». 20.45 Бокс бўйича СССР чемпионати. Донецкдан олиб кўрсатилади. 21.30 «Время». 22.05 «Ва шундай кун келади», Телевизион бадиий фильм 1- ва 2-сериялар.

Ўзбекистон телевидениесининг программаси

I

17.40 Кўрсатувлар программаси. 17.45 Болалар учун концерт. 18.15 «Уч кун ва икки йил». Телевизион бадиий фильм премьераси («Ўзбектелефильм») (рус.). 19.25 «Ахборот» (рус.). 19.40 «Инсон ва қонун». 20.30 СССР ташкил топганлигининг 60 йиллигига. «Даврамизга марҳабо». Қорақалпоғистон АССР ва Ўзбекистон областлари бадиий ҳаваскорлик коллективларининг телевизион фестивали. Экранда — Андижон области. 21.30 Москва. «Время». 22.05 СССР ташкил топганлигининг 60 йиллигига. «Даврамизга марҳабо!». (давоми). Кўрсатув тугагач. — Кўрсатувлар программаси.

Тожикистон телевидениесининг программаси

18.25 Кўрсатувлар программаси. 18.30 Болалар учун. «Қуёш, ҳаво ва сув — бизнинг энг яқин дўстимиз». 19.00 Янгиликлар. 19.20 «Завод гуллар ҳадя этади». Ҳужжатли фильм. 19.30 «Табиат ва биз». 20.00 «Ахбор». 20.25 Кинолавҳа. 20.45 Концерт.

«Ташгорпрокатразнобит» ишлаб чиқариш бирлашмаси коллективи бирлашма директори Б. Қ. Қурбоновга отаси

Қодирқул
ҚУРБОНОВнинг

вафот этганлиги муносабати билан чуқур таъзия изҳор қилади.

«Ташкнига» шаҳар китоб савдоси идораси коллективи 1-китоб магазинининг директори М. У. Усмоновга онаси

Раҳбар
ҒАНИХУЖАЕВАнинг

вафот этганлиги муносабати билан чуқур таъзия изҳор қилади.

Октябрь районидаги «Янгиобод» маҳалла комитети маҳалла комитетининг секретари 1952 йилдан буён КПСС аъзоси

Тожихон
ҚОБИЛЖОНОВАнинг

вафот этганлигини чуқур қайғу билан билдириб, марҳуманинг оила аъзоларига таъзия изҳор қилади.

4 бет ТОШКЕНТ ОҚШОМИ

«ТОШКЕНТ ОҚШОМИ» («ВЕЧЕРНИЙ ТАШКЕНТ») — орган Ташкентского горкома КП Узбекистана и Ташгорсовета.

БИЗНИНГ АДРЕС: 700000, Тошкент — ГСП, Ленин кўчаси, 41. ТЕЛЕФОНЛАР: секретариат: —33-57-02, бўлимлар; партия турмуши — 32-63-66; саноат 32-53-83; қурилиш — 32-58-85; шаҳар хўжалиги —32-57-83; совет қурилиши ва ҳуқуқ —32-54-19; фан, мактаб ва олий ўқув юртлари 32-53-10; адабиёт ва санъат — 32-56-81; ахборот — 33-28-95; спорт ва ҳарбий-ватанпарварлик ишлари —32-55-32; хатлар — 33-79-70; эълонлар бўлими—33-81-42; нашриёт диспетчери 32-78-94; нашриёт телефон станциясининг навбатчилари —33-90-50.

7 АВГУСТ, 1982 й. Р—13428. Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитети нашриётининг Меҳнат Қизил Байроқ орденли босмахонаси Тошкент шаҳри. В-2524. Индекс 64691.